



ЯХШИЛИК ЙЎҚ БЎЛМАЙДИ

Мусулмон мусулмонни кўrsa, албатта, тинчлик, саломатлик тилайди. Бир-бирига яхшилик соғинади. Зеро, инсонга бундан ортиқ неъмат, бундан ортиқ мукофот йўқ ҳам. Мусулмоннинг одоби шундан бошланади, ахлоқи шунда кўринади.

Кечаётган 2006 йил "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб аталгач, меҳнаткаш ва саховатли халқимизнинг ҳиммати, жонкуярлиги янада жўшди. Элдoshларимизнинг дардига дармон бўлиб, оғирини енгил қилаётганларнинг амалида бу хислатлар кўриниб турибди.

Шу йил 21 март куни пойтахтимизнинг Шайхонтохур тумани Қоратош мавзеида бирйўла оилавий поликлиника, тикувчилик корхонаси, маҳалла маркази ишга туширилди.

Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, юзга яқин малакали шифокор ишлайдиган ушбу эллик бешинчи поликлиника Қоратош, Чорсу, Гулбозор, Хадра маҳаллаларида яшовчи ўттиз мингга яқин аҳолига хизмат қилади. Бу мавзеда очилган "Мурувваттекс" тикувчилик корхонасида 270 нафар киши иш билан таъминланди.

Ўша кунларда Тошкентнинг "Самарқанд дарвоза" маҳалласида ҳам ҳомийлар маблағи иштирокида қурилган янги оилавий поликлиника фойдаланишга топ-

ширилди. Тўла компютерлашган шифохонада ҳар бир оиланинг саломатлик паспорти жорий этилган. Ушбу маҳалла фуқаролар йиғини ҳам янги бинога кўчиб ўтди. "Мурувваттекс"нинг бўлими сифатида фаолият бошлаган трикотаж фабрикаси боис маҳалланинг ўзида кўп ёшлар иш ўринларига эга бўлишди.

Ўтган йили мустақиллик байрами арафасида Сирғали тумани худудидаги йирик чорраҳада улкан кўприк барпо этилган эди. Март ойида ушбу кўприк Катта Ўзбек йўли (тракти) билан боғланди. Яъни, Сирғали кўприги ва Эркин кўрғони оралиғида бунёд этилган 3,7 километрли йўл ишга тушди. Маълумотларга кўра, истиқлол йилларида пойтахтимиз ва унга тугаш худудларда қурилган, соzланган йўллар, йўл ўтказгичлар, кўприкларнинг умумий ҳажми минг чақиримдан ошади.

Соғлиғи эътиборда, йўли соз, ҳалол меҳнат қилиш имконияти яратилган киши ҳам яхшиликни дилига тугади. Ватан, халқ олдидаги бурчни, масъулиятни чуқур ҳис этиб яшайди. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) марҳамат қилганлар: "Яхшилик йўқ бўлмайди, гуноҳ унутилмайди. Даййон (Аллоҳ таоло) ўлмайди. Хоҳлаганингни қил, тоатингга кўра ажр оласан" (Байҳақий).

ЎЗА маълумотлари асосида тайёрланди.



ГЎЗАЛ БИР ХИСЛАТ

Аллоҳ таоло инсонга ато этган бир гўзал хислат бор. У ҳар бир шахсда намоён бўлса эди, олам осуда, шахслар бахтли бўларди. Бу хислат яхшилик қилиш хислатидир.

Уламолар яхшилик қилишни иккига бўлишган: мол билан ва амал билан яхшилик қилиш. Мол билан яхшилик қилиш саховатдир. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) бундай деганлар: "Сахий Аллоҳ таолога яқиндир, жаннатга яқиндир, одамларга яқиндир".

Яхши сўз, очиқ юз, холис ёрдам кўрсатиш амал билан яхшилик қилишдир. Ҳадиси шарифда марҳамат қилинади:

"Яхши сўз садақадир"; "Биродаринг юзига табассум билан қарашинг садақадир".

Ёрдам қилиш фурсати ва имкони ҳамиша бўлавермагандан Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) бундай деганлар: "Кимга яхшилик қилиш эшиги очилса, фойдаланиб қолсин, зеро, унинг қачон ёпилишини билмайди"; "Яхшиликни, оз бўлса-да, қилмай қўйманг!" "Ҳар бир яхшилик садақадир".

Инсон ўзи яхшилик қилиш билан кифояланмай, бошқаларни ҳам яхшиликка чорлаши керак. Куръони каримда шунга амр қилинган: **"Бир-бирингизга яхшилик ва тақвода ёрдам беринг!"** (Моида, 2).

Унутмайлик, ҳадиси шарифда яна бундай хушxabар берилган: "Қиёмат куни жаннатга биринчи бўлиб яхшилик ва яхшилик қилувчилар киришади".

«HIDOYAT»

Ойлик диний-ижтимоий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Тахрир ҳайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ

Абдулазиз МАНСУР

Неъматилла ИБРОҲИМОВ

Аҳад ҲАСАНОВ

Зоҳиджон ИСЛОМОВ

Зоҳидилло МУНАВВАРОВ

Баҳодир КАРИМОВ

Абдураззоқ ЮНУС

Анвар ТУРСУН

Дурбек ОБИДЖОН

Муҳаммад Шариф ЖУМАН

Юсуфжон ИСҲОҚ

Эркин МАЛИК

Абдул Жалил ХЎЖАМ

(Бош муҳаррир ўринбосари)

Аҳмад Муҳаммад ТУРСУН

Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН

Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқова

«Voris Design» маркази билан
ҳамкорликда тайёрланди.

Бадий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОХ ўғли

Гартибловчи

Маҳмуд МАЪМУРЖОН ўғли

Матнни

Райҳона ХОЛБЕК қизи

терди

Тарғибот-ташвиқот марказлари:

Андижон вилояти — 8.374.224-34-04

Раҳбари Ўктам ҳожи Умрзоқ

Фарғона вилояти — 8.373.572-12-38

Раҳбари Салоҳиддин Нуриддин

Сурхондарё вилояти — 8.376.226-05-08

Раҳбари Низомиддин Чори

Манзилимиз:

700021, Тошкент шаҳри

Шайхонтоҳур тумани Навоий кўчаси 46-уй;

Тел: 49-18-26, тел.факс: 144-36-53.

Интернет сайтимиз: www.hidoyat.uz

Интернет почтаимиз: admin@hidoyat.uz

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида

рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 170.

Босишга 2006 йил 26 апрелда рухсат берилди.

Босмаҳонага 2006 йил 28 апрелда топширилди.

Қоғоз бичими 84x108^{1/16}. Адади 16000 нусха.

78-сон буюртма. «KONI NUR» МЧЖда босилди.

Мақолалар хат орқали юборилганида исмлар тўлиқ
ёзилиши, манзил аниқ кўрсатилиши шарт.

МУНДАРИЖА

Ҳомийлар ва шифокорлар йили	
Яхшилик йўқ бўлмади	1
Таянч нуқта	
Гўзал бир хислат	2
Анжуман	
Ислому олами муаммолари ва уларни гло- бализация шароитида ҳал этиш	
ЎМИ раиси, муфтий Абдурашид қори	
Баҳромов нутқи	6
Анжуман	
Самимий мулоқотлар	7
Дарсхона	
Тажвид	9
Имомларимиз	
Аҳмаджон БОБОМУРОДЗОДА	
Нияти холис кишига Аллоҳ ёрдам беради	12
Наҳйи мункар	
Раҳматуллоҳ ҲАБИБУЛЛОҲ ўғли	
Ирим	18
ЎМИ ҳаёти	
Билимдонлар кўриги	19
Амри мағруф	
Умида АБДУСАЛОМ қизи	
Табассум ҳадя этинг	19
Тарих	
Қаҳрамон РАЖАБОВ	
Жўйбор хожалари	20
Рангин туйғулар	
Рустам ЭМИН	
Ўзимни топиш йўлига тушдим	22
Қадрият	
Аббос АҲМАД	
Деҳлидаги бобомерос жомеъ	23
Шеърят	
Маҳмуд ТОИР	
Мардларнинг майдонда яроғи бўлак	24
Абдусалом ИБРОҲИМОВ	
"Сен хор этган бандангни..."	25
Акрам МАЛИКОВ	
Имон истайман	25
Футухот қомусидан	
Салжуқийлар давлати	26
Мерос	
Нуриддин МУҲАММАДЖОН	
"Мухтасарул виқоя" ҳақида	28
Тиббиёт бурчаги	
Сафар МУҲАММАД	
Тут, шотут	29
Санжар ИСАҲОЖИЕВ	
Оёқ кўп терласа	29
Кўлингиздан келади	
Жаҳонгир ҚЎЧҚОРОВ	
Асалари боқишни истайсизми?	32

Тафсир

Ваҳба Мустафо ЗУҲАЙЛИЙ

ВАЛ-ОДИЁТ СУРАСИ

4

Ҳеч бир нарса Аллоҳ таолонинг ил-мидан четда эмас. Аллоҳ таоло банданинг ҳар бир ҳолатини — ўтмишини, ҳозирини ва келажагини билади ва унга қилмишига яраша жазо беради.

Хабарлар

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Оврупа Иттифоқи
"Ислому терроризми"
атамасига қарши



10

Саҳобия аёллар

ИСЛОМ ОЛИМАЛАРИ

14

Умму Атиййа эса Басранинг энг машҳур олималаридан эди. Унинг ҳузурига кўплаб саҳобий ва тобеин олимлар фикҳнинг турли жиҳатларини ўрганиш учун келишар эди.

Насихат

Тоҳир МАЛИК

ҲАР ДАҚИҚА ҒАНИМАТ

Ўғилнинг оиласидан барака кўтарила бош-лади. Бошига кўп ташвишлар тушди. Қариганида, фарзандлари ёнида бўлса ҳам, сугта ивигилган бир қошиқ нонни оғзига тутгуччи меҳрибон топилмади.



16

Ибратли ҳикоялар

Иҳоб АБДУЛВОҲИД

30

СОЛИҲ ФАРЗАНД

Гўдаклигида мен уни яхши кўрмас эдим, чунки у кўр эди. Лекин энди мен шунга аниқ биламанки, у кўр эмас, ҳақиқий кўр мен бўлган эканман.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

وَالْعَدِيَّتِ ضَبْحًا ﴿١﴾ فَالْمُورِيَّتِ قَدْحًا ﴿٢﴾ فَالْمَغِيرَتِ ضَبْحًا ﴿٣﴾ فَأَثَرْنَ بِهِ نَقْعًا ﴿٤﴾ فَوَسَطْنَ بِهِ جَمْعًا ﴿٥﴾ إِنَّ الْإِنْسَانَ لِرَبِّهِ لَكَنُودٌ ﴿٦﴾ وَإِنَّهُ عَلَىٰ ذَٰلِكَ لَشَهِيدٌ ﴿٧﴾ وَإِنَّهُ لِحُبِّ الْخَيْرِ لَشَدِيدٌ ﴿٨﴾ أَفَلَا يَعْلَمُ إِذَا بُعِثَ رَافِعٌ إِلَىٰ أُولَٰئِكَ لِيُنزِلَ عَلَيْهِم مِّنَ الْقُبُورِ ﴿٩﴾ وَحُصِّلَ مَا فِي الصُّدُورِ ﴿١٠﴾ إِنَّ رَبَّهُم بِهِمْ يَوْمَئِذٍ لَّخَبِيرٌ ﴿١١﴾

Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан.

1-2-3-4-5. (Аллоҳ йўлида) харсиллаб чопадиган, (чопган пайтида туёқларидан) чақмоқлар чақадиган, тонг пайтида (ёв устига) бостириб борадиган, бас, ўшанда чанг-тўзон кўтариб, шу (чанг-тўзон) билан (душман) жамоасининг қоқ ўртасига кириб келади (от)ларга қасам: 6. Шак-шубҳасиз, (кофир) инсон Парвардигори (унга ато этган неъматлар)га кўрнамаклик қилгувчидир. 7. Ва, шак-шубҳасиз, у мол-дунё муҳаббатига жуда қаттиқ (берилгучи)дир. 8. Ва, шак-шубҳасиз, у мол-дунё муҳаббатига жуда қаттиқ (берилгучи)дир. 9. Ахир у билмасмики, (Қиёмат кўлиб), қабрларнинг ичидаги нарсалар (жасадларга қайта жон ато этилиб ташқарига) чиқарилганида 10. Ва диллардаги сирлар ошкор қилинганда — 11. Ана ўша Кунда, шак-шубҳасиз, Парвардигорлари улардан (яъни, барча халойиқнинг дунё ҳаётида қилиб ўтган ишларидан) огоҳ(хабардор)-ку!

Ваҳба Мустафо ЗУҲАЙЛИЙ

ВАЛ-ОДИЁТ СУРАСИ

«Мунир» тафсиридан

Бу сура мужоҳидларнинг душман устига шитоб билан бостириб борувчи отларига (одиётга) қасам билан бошлангани учун "Одиёт" деб номланган

Сура ичига олган нарсалар

Маккада нозил бўлган бу сурада куйидагилар баён этилган:

- 1) инсоннинг Парвардигор неъматлари қадрини билмаслиги;
- 2) инсоннинг бойлик ва мол-дунёга ўчлиги;
- 3) махлуқотлар Аллоҳ ҳузурига ҳисоб-китоб ва жазо учун қайтганида инсонга фойда берадиган солиҳ амал ва яхшилиқлар қилишга тарғиб, Қиёмат кундаги қаттиқ азобдан огоҳлантириш.

Нозил бўлиш сабаби

Имом Баззор, ибн Ҳотам ва Ҳоким ибн Аббосдан (розийаллоҳу анҳу) келтирган ривоятда бундай дейилади: "Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) отлиқларни (урушга) юбордилар. Бир ой юришса ҳам, ҳеч улардан хабар келмади. Шунда Вал-одиёт сураси нозил бўлди".

Тафсири ва баёни

«(Аллоҳ йўлида) харсиллаб чопадиган, (чопган пайтида туёқларидан) чақмоқлар чақадиган, тонг пайтида (ёв уйига) бостириб борадиган...»

У отлар қаттиқ чопганидан нафас олишлари эшитилиб туради. Туёқлари тош ёки харсангга урилиб, учкунлар отилади; улар айна тонг вақтида ҳужумга ўтади.

«Бас, ўшанда чанг-тўзон кўтариб, шу (чанг-тўзон) билан (душман) жамоасининг ўртасига кириб келади (от)ларга қасам...»

У отлар тонг пайти жангтоҳда чанг-тўзон кўтаради, сўнг душман сафига ёриб кириб, уларни ҳар томонга тарқатиб юборади.

Отларнинг чопиши бошқа ҳайвонлар чопишига қараганда хатарсиз бўлгани учун ҳам Аллоҳ таоло отларга қасам келтирган. Ҳадисда бундай келган: «Қиёматга қадар отларнинг тўпиғидаги попуғига яхшилиқ боғлангандир» (Имом Аҳмад ривояти). Мақсад, мўминлар эътиборида отнинг шаънини улуғлаш, уларни отлар парваришига тарғиб қилиш, Аллоҳ йўлида олижаноб ва буюк ишларга чорлашдир. Бу қасамда фахр, эътибор

ва риё учун эмас, балки ана шундай олий мақсадлар учун отга эга бўлишга ундаш мужассам.

«Шак-шубҳасиз (кофир) инсон Парвардигори (унга ато этган неъматлар)га кўрнамаклик қилгувчидир».

Яъни, инсон табиатан неъматлар қадрини, яхшилиқни билмайди, неъмат берган Парвардигорига шукрона қилмайди, унинг буйруқларига итоат этмайди. Лекин нафсини тийиб, дунё ва охирадаги ҳолини ўйлаб, ибодат ва яхшилиқлар қиладиган, гуноҳ ва ёмонликлардан ўзини тиядиган одамлар бундан мустасно.

«Ва, шак-шубҳасиз, у бунга (ўзининг бу ношукрлигига) гувоҳдир».

Яъни, инсон ўз ношукрлигига ўзи гувоҳдир. Унинг ҳоли ношукрлигининг гувоҳидир. Қуръони каримнинг бошқа оятларида ҳам унинг сўзи ва амалида Парвардигорга итоат этмаслиги кўришиб туриши айтилган (*Тавба, 17*).

«Ва, шак-шубҳасиз, у мол-дунё муҳаббатига жуда қаттиқ (берилгувчи)дир».

Яъни, инсон молни яхши кўрганидан уни қизғанади ёки уни қўлга киритиш учун қаттиқ ҳаракат қилади, тинмай унинг ортидан қувади.

Бу оят маъносида икки фикр бор. Биринчиси, инсон молни жуда яхши кўради. Иккинчиси, молни яхши кўрганидан уни қизғанади (*Ибн Касир*).

«Ахир у билмасмики, (Қиёмат кўпиб) қабрларнинг ичидаги нарсалар (жасадларга қайта жон ато этилиб, ташқарига) чиқарилганида ва диллардаги сирлар ошкор қилинганида — ана ўша Кунда, шак-шубҳасиз, Парвардигор улардан (яъни, барча хало-йиқнинг дунё ҳаётида қилиб ўтган ишларидан) огоҳ(хабардор)-ку!»

Яъни, ношукр инсон, қабрдаги ўликлар чиқарилиб, инсонлар пинҳон тутган яхши-ёмон ўй ва ниятлари аён этилганида Парвардигор улардан огоҳ, уларнинг барча ҳолидан хабардор эканини, ҳеч бир сир Ундан яширин қолмаслигини билмайдими? Парвардигор уларнинг барча ҳолатларидан хабардордир. Ўша Кунда ва бошқа кунларда ҳам у Зотга ҳеч нарса махфий қолмайди. Қиёмат куни барча амалларга тўла жазо беради. Агар инсонлар бунга билишса ва идрок қилишса, мол-дунёни яхши кўриш уларни Парвардигорга шукр ва ибодат қилишдан тўсмас эди.

Ўзга аъзоларнинг амаллари қалбнинг амалларига боғлиқ бўлгани учун бу

ўринда қалб амаллари зикр этилгандир. Зеро, қалбда хоҳиш ва истак туғилмаса, аъзоларнинг амаллари содир бўлмайди.

Аллоҳ таоло ҳамма вақт инсонларнинг ҳолатини билиб туради. Оятдаги **"ана ўша Кунда хабардор"** жумласи мазмуни шуни таъкид этади.

"Аллоҳ хабардор" иборасида "Аллоҳ таоло Қиёмат куни уларни жазолайди" маъноси бор.

Сурадан ўрганганларимиз

1. Аллоҳ таоло арабларнинг фикрини банд этган отларга қасам келтириб, инсон туйғуси ноқислигини, сабри ва шукри камлигини, мол-дунёга ўчлик унинг ҳақиқий камолотга етишига, охираат учун яхши амал қилишига тўсиқ бўлишини баён этади.

Инсон табиатан ношукр, мол-дунёга ўч ва қизганчидир. Демак, ҳар бир киши нафсини абадий саодатга етказадиган хулқларга ўргатиши лозим.

2. Аллоҳ инсоннинг туғилишидан олдинги ва кейинги, ўлими ва ундан кейинги барча ҳолатларидан хабардор эканини баён этиб, уни огоҳлантирмоқда. Бу эслатма ақлли кишилар учун тақво ва фазилатга эришишга, гуноҳ ва тугъндан, бузғунчиликлардан узоқ бўлишга чақириқдир.

Ҳеч бир нарса Аллоҳ таолонинг илмидан четда эмас. Аллоҳ таоло банданинг ҳар бир ҳолатини — ўтмишини, ҳозирини ва келажагини билади ва унга қилмишига яраша жазо беради.

Анвар АҲМАД

таржимаси



ИСЛОМ ОЛАМИ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ГЛОБАЛИЗАЦИЯ ШАРОИТИДА ҲАЛ ЭТИШ

Шу йилнинг 6-9 апрел кунлари Миср Араб Республикаси пойтахти Қоҳира шаҳрида "Ислом олами муаммолари ва уларни глобализация шароитида ҳал этиш" мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтди.

Ушбу анжуманда дунёнинг етмишдан ортиқ мамлакатидан вакиллар иштирок этди. Конференцияга Миср Араб Республикаси Вақф ишлари вазири, Ислом ишлари Олий кенгашининг раиси доктор Маҳмуд Ҳамдий Зақзуқ раислик қилди.

Конференция иштирокчилари ўзларининг чиқишларида Ислом динининг тинчлик, бағрикенглик дини экани, терроризм ва мутаассибликка мутлақо қарши эканини алоҳида уқтириб ўтдилар. Иштирокчилар Бирлашган Миллатлар Ташиқлотига жаҳондаги барча динларни ҳар қандай хуружлардан ҳимоя қилиш ва уларнинг муқаддас рамзлари ҳурмат этилиши ва дахлсизлигини таъминлаш ҳақида қарор чиқаришини сўраб мурожаатнома қабул қилдилар.

Мазкур конференцияда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори БАҲРОМОВ иштирок этди ва нутқ сўзлади. Қуйида ана шу нутқни эътиборларингизга ҳавола этамиз.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори БАҲРОМОВ нутқи

Муҳтарам анжуман иштирокчилари!

Ислом дини инсонларни миллати, ирқи ва келиб чиқишидан қатъи назар дўсту биродар бўлиб яшашга чақиради.

Маълумки, "ислом" сўзининг луғавий маъноси "итоат", "тинчлик" демакдир. Аллоҳ таоло ислом динини пайдо қилиш билан инсониятга тинчлик, осойишталик, фароғат, хотиржамлик неъматларини ато этган. Ислом дини тинчлик тушунчасини ўзининг бош ғояси ва муҳим шиорига айлантиргани ҳам бежиз эмас. Бу борада Куръони каримда бундай баён қилинади: "Эй имон келтирганлар! Барчангиз тамомила тинчлик ва тоат йўлига киринглар" (Бақара, 208).

Бу эзгу даъват инсонларга энг азиз ва зарур бўлган тинчликни сақлаш ишида кишиларни бирлаштиради. Аллоҳ таоло Куръони каримда: "...Эзгулик ва тақво (йўли)да ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва адоват (йўли)да ҳамкорлик қилмангиз!" (Моид, 2) дейди. Бу ояти каримадан маълумки, инсонларнинг эзгу ният йўлида ҳамкорлик қилишлари ер юзида тинчлик барқарор бўли-



шидаги бош омидир. Пайғамбаримизнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам) муборак ҳадиси шарифларида ҳам тинчлик мавзуи алоҳида ўрин эгаллаган. Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): "Тинчлик ва хотиржамлик икки улуғ неъматдирки, бундан кўп одамлар бебахрадилар" (Имом Бухорий ривояти), деб марҳамат қилганлар.

Охириги пайтда "Ислом терроризми", "Ислом экстремизми" каби асосиз атамаларни кўплаб эшитиш мумкин. Буларни ривожлантиришига уринаётган кучларнинг мақсади халқаро ҳамжамият олдида ислом

динини қора қилиб кўрсатиш, динлараро ва миллатлараро низо келтириб чиқаришдир. Аслида Ислом дини тинчлик, хотиржамлик, адолат, раҳм-шафқат асосига бино бўлгани, илм ва маърифат дини экани кўпгина оят ва ҳадислардан яхши маълум.

Диний экстремизм ва терроризм ўзининг кўлами ва одамзод тақдирига таҳдиди нуқтаи назаридан, ҳозирги кунда, жаҳон бўйлаб инсониятни қийнаётган асосий муаммога айланди десак, хато бўлмас.

Тинчликсевар ва бағрикенг Ислом динимизни ниқоб қилиб, Ислом ва мусулмончиликдек олий мақомга доғ тушираётган баъзи кимсаларнинг манфур ҳаракатлари туфайли Ислом динига терроризм ва экстремизм тенглаштирилаётган бир пайтда ушбу халқаро анжуман алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда терроризмнинг асл башараси барчага яхши аён бўлиб қолди. Террорчи, бузғунчи деганда онги заҳарланган, қилаётган ишига жавоб бера олмайдиган, кимнингдир ёвуз ниятини амалга оширадиган манқурт, зомби кимсалар тушунилмоқда. Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жиноий ишни амалга оширган террорчининг насроний, мусулмон ёхуд бошқа дин вакили бўлиши жамият аъзоларига ўша дин тўғрисида ноўрин фикр ва хулосалар чиқариш ҳуқуқини бермайди. Хатто бу разил кимсаларнинг қайси динда экани тўғрисидаги саволнома бандида "мусулмон" деб ёзиб қўйилган бўлса ҳам, улар қилган жиноятига "Ислом террорчилиги" деб ёрлик ёпиштирилиши мулаққо мумкин эмас. Зотан, диндор киши, қайси диндалигидан қатъи назар, ўз ақидаси йўлида бегуноҳ одамларни ўлдирмайди.

Табиийки, терроризм хавфининг чуқурлашуви унга қарши курашнинг кучайишига олиб келди. Мазкур муаммонинг ечимига олиб келадиган аниқ тавсиялар, чора-тадбирлар ишлаб чиқиш долзарб масалага айланди.

Хўш, террорчилик ҳаракатларини содир этган кимсалар кимлар? Кўпни кўрган, турмушнинг аччиқ-чучугини татиган кишиларми? Йўқ, албатта. Улар ҳаётнинг маъно мазмунини англаб етмаган гўр ёшлардир. Улар жиноятчи, қаллоб, адоват ва низо уруғини сочаётган қабих кимсалар қўлида қурол-ўйинчоқ бўлиб қолаётганлари учун ҳам шундай бўлмоқда.

Аллоҳ таоло махлуқотлар ичида азизу мукаррам қилиб яратилган инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол этиш ва унинг жону молига тажовуз қилишни ҳаром қилган. Қуръони карим Моида сурасининг 32-оятда бир инсонни ноҳақ ўлдириш бутун инсониятни ўлдириш билан тенглаштирилган. Бир инсоннинг ҳаётини сақлаб қолиш эса, бутун инсониятни қутқариш билан баробар дейилган.

Шунингдек, Ислом бошқа динга эътиқод қилувчилар билан ҳамкорлик қилишни тақиқламайди. Қуръони азимда бу ҳақида аниқ равшан қилиб айтиб қўйилган: **"Дин тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз юртларингиздан (ҳайдаб) чиқармаган кимсаларга нисбатан яхшилик қилишингиз ва уларга адолатли бўлишингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолатли кишиларни севар"** (Мумтаҳана, 8).

Мен вакили бўлиб келган Ўзбекистонда ҳам бугунги кунда турли динларга мансуб қадриятлар-

ни асраб-авайлашга, барча фуқароларга ўз эътиқодини эркин амалга ошириш учун зарур шароитларни яратиб беришга, динлар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга, улар ўртасида қадимий муштарақ анъаналарни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳозирда диёримиз диний расм-русумларга, байрамларга, диний тарбия ва таълимга кенг йўл очиб берилган, ҳурфикрлик, виждон ва дин эркинлиги қоидалари қарор топган жамиятга айланган.

Мустақиллик йиллари Республика Президенти Ислом Каримовнинг ташаббус ва раҳнамолигида буюк муҳаддислар Имом ал-Бухорий, Исо ат-Термизий, фақиҳ Бурҳониддин Марғиноний, мутакаллим Имом Мотуридий, мутасаввифлардан Абдуҳолиқ Фиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд каби Ислом маданияти ва илми ривожига салмоқли ҳисса қўшган аждодларимизнинг номлари улуғланиб, уларнинг зиёратгоҳлари барпо ва обод қилинди.

Ўзбекистонда Ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, буюк ғоялари ёш авлод юрагидан жой олишига шароит яратиб берилган. Бошқача қилиб айтсак, фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўғитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз. Бунинг яққол мисоли сифатида мамлакат пойтахтидаги Тошкент Ислом университетининг фаолиятини келтириш мумкин.

Шу ўринда айтиб ўтмоқчиманки, Ўзбекистон халқи адолат, тенглик, аҳил яшаш ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб-асраб келмоқда. Ана шундай халқи бўлган Ўзбекистон бугун ҳам бошқа мамлакатлар билан бўлганидек, шарқ давлатлари, хусусан, мусулмон давлатлари билан ўзаро муносабатларни кенгайтиришга ва алоқаларни янада ривожлантиришга тайёр.

Биз Ислом дини ва эътиқодимиздан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Шу билан бирга, муқаддас динимиз шаънига доғ туширмоқчи бўлган кимсалар билан ҳеч қачон мурося қилмаймиз.

Таъкидлаш жоизки, бугунги анжуманнинг чақирилиши, айниқса, инсоният мураккаб тараққиёт жараёнини бошидан кечириётган ҳозирги даврда, Ислом динининг турли халқлар ўртасида мулоқот ўрнатиш, уларни маънавий ва руҳий жиҳатдан яқинлаштириш, зулм ва зўравонликка қарши биргаликда курашга даъват этишда беқийёс аҳамият касб этади.

Ишончим комилки, сиздек фидойи инсонлар бор экан ва улар ўз ҳаётлари мобайнида тинчлик, биродарлик ва ўзаро тотувликка хизмат қилиб келар экан, динлар, хусусан, Ислом дини ёвуз террорчи ва экстремистик кучлар қўлида қуролга айланиб қолишига асло йўл қўйилмайди.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Қоҳира шаҳри,
2006 йил 7 апрел

САМИМИЙ МУЛОҚОТЛАР



Қоҳирадаги анжуман кунлари муфтий Абдурашид қори Баҳромов бир неча Ислом давлатлари дин ва жамоат арбоблари, таниқли уламолар, шайх ва муфтийлар билан учрашиб, самимий суҳбат ва мулоқот олиб борди.

◆ **Иордания бош қозиси,** Иордания подшоҳи маслаҳатчиси шайх Аҳмад Хулайл муфтий билан учрашув чоғида Тошкент, Самарқанд, Бухорода бўлганини ифтихор билан эслади. Ўз навбатида муфтий ҳазратлари мустақилликдан кейин Ўзбекистондаги катта ижобий ўзгаришлар, мусулмонларга кўрсатилаётган ёрдам ва имтиёзлар ҳақида сўзлаб берди.

◆ **Муфтий Абдурашид қори Баҳромов** Қоҳирадаги "Қуръони карим" радиосига суҳбат бериб, Ўзбекистон мусулмонлари ҳаёти ҳақида гапирди, ҳозирги вақтда динимизни турли фитна-иғволардан сақлаш барча мусулмонларнинг вазифаси эканини таъкидлади.

◆ **Ливан муфтийи** шайх Муҳаммад Рошид Қаббоний би-

лан суҳбат ҳам самимий ва фойдали бўлди. Шайх Қаббоний Ўзбекистонда бўлганида собиқ муфтий Зиёвуддинхон Эшон Бобохон ва шайх Абдулгани Абдуллаевлар билан учрашувини эсга олди. Абдурашид қори Баҳромов уни ватанимизни яна бир бор зиёрат қилишга таклиф этди ва мустақилликдан кейинги ижобий ўзгаришлар ҳақида сўзлаб берди.

◆ **Малайзия федерал вилоятлари муфтийи** Доту Вон Зоҳидий билан суҳбатда Абдурашид қори Баҳромов Ўзбекистон вакили сифатида Малайзиядаги Қуръони карим мусобақасида иштирок этганини эслатди ва Малайзия-Ўзбекистон алоқалари тобора мустаҳкамланиб бораётгани таъкидлади.

◆ **Конференция кунлари** муфтий ҳазратлари Эквадор Ислом маркази мудири Ас-Салом, Мисрнинг кўзга кўринган олимларидан доктор Зағлул ан Нажжор, Эрон, Индонезия, Туркия, Русия, Озарбойжон, Қирғизистон делегациялари раҳбарлари билан ҳам мулоқотда бўлди, шу-

нингдек, Туркияда чиқадиган "Замон" газети муҳбири Жума Али Унолга анжуман ҳақидаги таассуротларини сўзлаб берди.

◆ **Конференциянинг охириги кун** муфтий ҳазратлари Миср Вақф ишлари вазири доктор Маҳмуд Ҳамдий Зақзуқ билан учрашди. Вазир Ўзбекистоннинг дунёга донғи кетган уламолари Имом Бухорий, Термизий, Замахшарий каби алломалар Исломга араб олимларидан ҳам кўпроқ хизмат қилишганига алоҳида урғу бериб ўтди. Абдурашид қори Баҳромов самимий қабул учун вазирга миннатдорлик изҳор этди ва Ўзбекистон халқи Президентимиз бошчилигида миллий ва диний қадриятларни сақлаш, тинчлик ва фаровонликни таъминлаш бўйича олиб бораётган бунёдкорлик ишлари ҳақида сўзлади.

Ал-Азҳарда халқаро учрашув

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳромов 2006 йилнинг 11—12 апрел кунлари Миср Араб Республикаси пойтахти Қоҳира шаҳрида ал-Азҳар университети битирувчиларининг Биринчи Халқаро учрашув-форумида иштирок этди.

Мазкур учрашувда Ал-Азҳар университетиде таҳсил олиб, ҳозирда турли масъул лавозим ва вазифаларда хизмат қилаётган кишилар иштирок этдилар. Улар билан бир қаторда давлат арбоблари, илмий муассасаларнинг раҳбарлари, машҳур олимлар, устоз ва мураббийлар қатнашдилар.

ТАЖВИД

Дунёнинг етмишдан ортиқ мамлакатидан ташриф буюрган собиқ талабалар учрашуви ал-Азҳар университетининг ректори доктор Аҳмад Муҳаммад ат-Тоййиб ва шайх доктор Муҳаммад Саййид Тантовий раҳбарлиги остида ўтди.

Биринчи бўлиб сўзга чиққан доктор Аҳмад Муҳаммад ат-Тоййиб нутқида ал-Азҳар университети тарихини, унинг минг йилдан бери ислом оламига етук диний ва дунёвий кадрлар етказиб бераётганини таъкидлади. Университет ректори шунингдек, ал-Азҳарнинг етмишдан зиёд факултет ва бўлинмаларини ҳар йили 40 мингдан ортиқ битирувчи таомлаб чиқиши, уларнинг орасида шифокорлар, муҳандислар, тарбиячи-муаллимлар, тилшунослар, турли соҳадаги малакали мутахассислар етишиб чиққанини айтди.

Келаси йили Мисрда ал-Азҳар битирувчиларининг Иккинчи халқаро учрашувини ўтказиш тавсия этилди.

Мазкур анжуман охирида анжуманда иштирок этган машҳур олимлар ва давлат арбобларининг бир гуруҳини Миср Республикаси Президенти Муҳаммад Хусний Муборак "Мисру жадида" қасрида қабул қилди. Қабул маросимида Миср раҳбари ал-Азҳар битирувчилари бўлган машҳур уламолар фаолиятига юқори баҳо берди ва уларнинг ўз давлатларида ислом, мусулмонлар ва барча инсоният тараққиёти йўлида олиб бораётган ижобий фаолиятларида муваффақиятлар тилади. Бу тарихий учрашув Мисрнинг барча оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилди.



1. ذ ("зол") — тил учининг икки олд тиш ўртасига тегиши билан чиқади.

ذ — "зол"ни талаффуз этишда тилнинг вазияти.

2. ر ("ре") — тилнинг учига яқин тепа қисми икки олд тишлар милкининг танглайга яқин жойига тегиши билан чиқади.

ر — "ре"ни талаффуз этишда тилнинг вазияти.



3. ز ("зе") — тил учини икки олд тишларнинг милкка туташган жойига теккизиш билан чиқади.

ز — "зе"ни талаффуз қилишда тилнинг вазияти.

4. س ("син") — тил учи икки олд тишларнинг милкка туташган жойидан тепароққа тегиши билан чиқади.

س — "син"ни талаффуз қилишда тилнинг вазияти.



5. ش ("шин") — тилнинг ўртаси ва танглай оралигидан чиқади.

ش — "шин"ни талаффуз қилишда тилнинг вазияти.

ИСЛОМ ВА ОЛАМ



Оврупа Иттифоқи "Ислом терроризми" атамасига қарши



Оврупа Иттифоқи "Ислом терроризми" ёки "Ислом ақидапарастлиги" каби номуносиб ва ноилмий атамалардан фойдаланишни қонундан ташқари деб эълон этиш ниятидадир. Мутахассисларнинг фикрича, бу нарсa Ислом дини шаънига асоссиз шубҳа уйғотмоқда, нотўғри фикрлар тарқалишига сабаб бўлмоқда. Оврупа Иттифоқининг террорчиликка қарши кураш бўйича идораси раҳбари Гижз де Врайс шу муносабат билан, террорчилик жаҳон динларидан бирортасига ҳам хос нарсa эмас, деб айтди. У мусулмонлар террорчилик ҳаракатларини кескин қоралаганларини ҳам эътироф этди.

Reuters

Луврда кўргазма



Франция пойтахти Париж шаҳрида "Қуртубадан Самарқандгача" номли исломий санъат асарлари кўргазмаси иш бошлади. Унинг очилиш маросимида мамлакат президенти Жак Ширак ва Қатар амири Ҳаммоод ибн Халифа ат-Таний иштирок этишди.

Луврда 26 майгача ишлайдиган бу кўргазма

гарбдаги Куртубадан шарқдаги Самарқандгача бўлган турли мамлакатларда яратилган санъат асарларини қамраб олган. "Кўпчилик ҳазоралар тўқнашуви ҳақида гапираётган бир пайтда биз улар ўртасида кўприк қурмоқчимиз", деди Қа-

тар осори атиқалар департаменти бошлиғи шайх Ҳасан ибн Муҳаммад.

Islam Online

Мусулмон ва насроний олимлар учрашуви

Вашингтон шаҳрида ўтган "Кўприкларни улаб" номли бешинчи анжуманда жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган ўттизга яқин мусулмон ва насроний олимлар қатнашди. Анжуман машҳур Жоржтаун дорилфунуни биносига бўлди. Дорилфунун президенти доктор Жон де Жойа учрашув иштирокчилари ҳузурда нутқ сўзлади. Олдинги учрашувлар Лондон, Қатар, Саройбўсна шаҳарларида бўлиб ўтган эди. Бу галги анжуман "Адолат ва инсон ҳуқуқларига мусулмон ва насронийлик нуқтаи назари" мавзуга бағишланди.

Благовест-инфо

Маккадан уйлар харид қилиш мумкин

Саудия Арабистони қонунчилигига киритилган ўзгартиришларга биноан қироллик фуқароси бўлмаган мусулмонлар ҳам энди унинг ҳудудидан турар жойларга эгалик қилишлари мумкин.



Шу йилдан бошлаб Британиянинг "Alfa-1 Estate" ширкати Исломнинг бош шаҳарлари Макка ва Мадинадан кўчмас мулклар сотиб олишда воситачилик қилади. Ҳозирнинг ўзидаёқ Маккадаги Каъба яқинида ва Мадинадаги Пайғамбар (алайҳиссалом) масжидлари ёнида бир неча кўкўпар бинолар тикланмоқда.

Маккадаги турар жойларнинг бир квадрат метри 50 минг фунт стерлинг (тахминан 90 минг АҚШ доллари), Мадинада эса 28 минг фунт стерлинг туради. Бу нархлар жаҳонда энг баланд ҳисобланади. Солиштириш учун: Лондон марказидаги турар жойнинг бир квадрат метри 20 минг фунт туради.

"Завтра" газети

АҚШда биринчи мусулмон судя

Детройтлик асли араб бўлган 36 ёшли Чарлен Меклед Элдер хоним Америка Қўшма Штатлари федерал судининг биринчи мусулмон судяси этиб тайинланди. Бу вазифага унинг номзодини Мичиган штати губернатори Женнифер Грэнхолм кўрсатди.

Чарлен Меклед Элдер хоним касбининг жуда билимдонидир. Ҳартомонлама билим олган ва араб тилини жуда яхши билади. У Вейн графлиги судида ишлайди. Бу ҳудудда 350 минг кишилиқ мусулмонлар жамоаси истиқомат қилади. Мичигандаги жами мусулмонлар адади эса 400 минг нафарга боради.

Dawn

Депутатларга Китоб тарқатилди

Нидерландия Ислом ташкилоти мамлакат парламенти депутатларига Қуръони карим маънолари таржимасидан 150 нусха тарқатди. Бир нусха китоб мамлакат қонунчилик органи кутубхонасига ҳам берилди. Ташкилот президенти Аҳмад Ҳусайн, Қуръони каримни ўқиш парламент аъзоларига Исломнинг ақидавий асослари ҳақидаги билимларни асл манбадан олиш имконини беради, деб айтди. Қуръони карим депутатларга бағрикенглик ва яхши кўшничилик тамойиллари мусулмонларнинг асл фазилятлари эканини англатади.

ИНА

Ёқутлар Исломга киришяпти

Кейинги ярим йил ичида қирққа яқин ёқут Исломга кирди. Ёқутистон қозиёти раҳбари Мусо Соғовнинг айтишича, янги мусулмон бўлганларнинг аксариятини ёқут ёшларининг зиёли қисми ташкил этади. Улар Соха Республикаси пойтахтидаги обрўли институтларда ўқишади.

"Якутскада масжид очилишидан кўп ўтмай, қирқ нафар ёқут мусулмон бўлди, — дейди Мусо Соғов, — вақт ўтиши билан минглаб ёқутларнинг Исломга кириши кутилмоқда. Менимча, ёқутлар бунга тайёр туришибди. Улар Исломга жуда ижобий муносабатда бўлишяпти. Бунинг устига, туркий халқларнинг мутлақ кўпчилиги мусулмонлардир ва ёқутлар ҳам туркий халқдир". Мусо Соғовнинг айтишича, "Ислом даъвати ёқут заминига етиб кела олмай, Сибир сарҳадларида тўхтаб қолган эди, энди ана шу бўшлиқни тўлдириш вақти келди".

Ислам-инфо

Ёш мусулмонлар билан насронийлар йиғини

Оврупанинг ёш мусулмонлари ва насронийлари Оврупа мамлакатларида динлараро муло-

қотни ривожлантириш ва Исломни олабўжи қилиб кўрсатишни тарк этиш йўлларини муҳокама қилиш учун Страсбургга тўпланишди. Тадбирни Оврупа экүмен ёшлар кенгаши



(EYCE) ҳамда Оврупа мусулмон ва насроний ёшлар ташкилотлари форуми ташкил этди. EYCE баёнотида айтилишича, "Исломни олабўжи қилиб кўрсатишни тарк этиш йўллари динлараро мулоқот ва ҳамкорликдадир" мавзудаги семинар турли эътиқоддаги ёшларнинг мураккаб масалаларни ҳал этиш учун билим ва қобилиятларини бирлаштириш ишида ёрдам беришга жалб қилинган.

Christian Today

Мусулмонга контр-адмирал унвони

Буюк Британия Қироллик ҳарбий-денгиз кучлари контр-адмирал унвони унинг тарихида илк марта асли покистонлик бўлган Амжад Ҳусайнга берилди. Ҳусайнга берилган унвон мақом жиҳатидан куруқликдаги кўшинлар генерал-майори ва авиациядаги вице-маршалга тўғри келади.

Буюк Британия ҳарбий-денгиз кучларида хизмат ўтаётган британиялик бўлмаган 200 минг ҳарбий хизматчи ўртасида Ҳусайн биринчи адмиралдир. У ўзига берилган бу юқори унвон замирида флотдаги кўп йиллар мобайнидаги нуқсонсиз хизмати ётганига ишонади.

Ислам-Инфо

Афинада масжид қурилади

Эллада православ черкови Синоди (ҳайъати) Афина шаҳрида биринчи масжид қуриш ташаббусини маъқуллади. "Жаҳон дини бўлмиш Исломдагиларни ўз динларига эркин эътиқод қилиш ҳуқуқидан маҳрум этишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ", деди усқуф Патрас Хризостом Синод мажлисида.



Греция ташқи ишлар вазири Дора Бакоянни март ойи охирида масжид қурилиши гоёсини маъқуллаган эди. Унинг айтишича, мамлакатда муқим яшаётган юз минг мусулмоннинг масжидга катта эҳтиёжи бор.

Интерфакс



Ҳожи Аҳмаджон Бобомуродзода 1946 йили Самарқанд шаҳрида диндор оилада туғилган. Ўрта мактабни муваффақиятли тугатган, 1966—71-йиллар Бухородаги Мир Араб мадрасасида ўқиди. Сўнг Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислам олий маъҳадига ўқишга кириб, 1975 йили уни муваффақиятли битирди. 1980 йилдан буён Тошкент шаҳридаги "Жўрабек" жомеъ масжидида имом-хатиб ҳамда 1989 йилдан Тошкент Ислам институтида мударрислик қилиб келади. Аҳмаджон Бобомуродзода "Исламга қайтиш", "Қамолот сари", "Соф исломий ақида" каби бир неча диний-маърифий китоблар муаллифи.

бердисида Аллоҳнинг ҳукмига амал қилмайди. Оқибатда турли кўнгилсизликлар рўй беради. Куръони каримда бундай марҳамат қилинган: "Эй мўминлар, бир-бирларингиз билан қарз муомаласини қилсангиз, ёзиб

тўғрироқ ва сизлар шак-шубҳа қилмаслигингизга яқинроқ бўлган (ҳукмдир). Лекин агар (ўртадаги муомалангиз) ораларингизда юргизиб турган нақд савдо бўлса, уни ёзмасангиз-да, сизлар учун гуноҳ йўқдир. Ва бир-

НИЯТИ ХОЛИС КИШИГА

Тошкент шаҳридаги "Жўрабек" жомеъ масжиди

— Домла, баъзан қарз олди-бердиси оқибатида оға-инилар, қариндош-уруғлар ўртасига совуқчилик тушгани ҳақида эшитиб қоламиз. Бу ҳол қарз олиб, уни бермаслик ёки пайсалга солиш қанчалик оғир эканини билмасликдан бўлиши керак. Ахир халқимизда "қиёмат қарз" деган катта маъноли ибора бор...

— Қарз бериш мўмин-мусулмоннинг яхши фазилатларидан биридир. Киши муҳтожлигидан, иложсизлигидан қарз олишга мажбур бўлади. Шунинг учун Исламда қарз беришнинг савоби садақа беришнинг савобидан ҳам ортиқ экани таъкидланган.

Афсуски, кейинги пайтларда қарз бериб, пулига куйиб қолаётганлар бор. Баъзилар қарз олиб, бермай кетишга ҳаракат қилади ёки қарзидан тониб кетади. Бу тоифа одамлар ўзларига зулм қилаётганларини билармикан?

Инсон кўпинча қарз олди-

кўйинглари! Ораларингизда бир котиб адолат билан ёзсин! Ҳеч бир котиб Аллоҳ унга билдирганидек ёзишдан бош тортмасин, албатта ёзсин. Зиммасида қарзи бўлган киши ёздирсин — Парвардигори Аллоҳдан кўрқсин ва у қарздан бирон нарса камайтириб ёзмасин! Агар зиммасида қарзи бор киши ақлсиз ё ожиз (ёш бола ё жуда кекса) бўлса ёки (қар, соқовлиги ё тил билмаслиги сабабли айтиб туриб) ёздиршига қодир бўлмаса, унинг ҳомий вакили адолат билан ёздирсин! Ва сизлар рози бўладиган (адолатли) гувоҳлардан икки эркак кишини, агар икки эркак топилмаса, бир эркак ва икки аёлни — бири унутиб адашса, яна бири унга эслатади — гувоҳ қилинглари! Гувоҳлар (гувоҳлик учун) чақирилганида бош тортмасинлар! Хоҳ катта, хоҳ кичик қарз бўлсин, муддати келгунича ёзиб кўйишдан эринманглари. Мана шу Аллоҳ наздида адолатлироқ, гувоҳлик учун

бирингиз билан савдо қилганда гувоҳ келтиринг! Ва котибга ҳам, гувоҳга ҳам зарар етмасин. Агар шундай қилсангиз (яъни, улардан бирортасига зарар етказсангиз), бу Аллоҳга итоатсизлигингиздир. Аллоҳдан кўрқингиз! Аллоҳ сизларга (ҳақҳидоят Йўлини) билдиради. Аллоҳ ҳамма нарсани билгувчидир. Агар сафарда бўлсангиз ва котиб топа олмасангиз, (берилган нарса эвазига) қўл билан тутгудек гаров олинг! Агар бир-бирларингизга омонат қўйсангиз, омонат қўйилган киши омонатини адо қилсин ва Парвардигори Аллоҳдан кўрқсин! Гувоҳликни яширмангиз! Ким (гувоҳликдан бош тортиш билан) уни яширса, бас, албатта унинг қалби осий — гуноҳкордир. Аллоҳ қилаётган амалингизни билгувчидир" (Бақара сураси, 282—283-оятлар).

Бу илоҳий кўрсатмага амал қилган киши алданмайди. Қарз олган тониб кетолмайди, масъ-

улиятни ҳис қилади. Илоҳий кўрсатмаларга амал қилиш икки дунё саодатига кафилдир.

Кўпинча биз дўстларимиз қарз сўраб келишса, тилхат ёздиришга, гувоҳлар олиб келишга истиҳола қилиб, қарзни шундоқ бериб юборамиз. Оқибатда келишмовчиликлар, жанжаллар, англашилмовчиликлар юзага келиб, изтиробда қоламиз.

Инсон тақводор бўлса, у Аллоҳдан, охират кундаги ҳисобкитобдан қўрқади ва ҳар қандай вазиятда қарзни узишга ҳаракат қилади. Нияти холис бўлса, у инсонга Аллоҳнинг ўзи ёрдам беради.

Имом Бухорий Абу Хурай-

куни Аллоҳ адолат билан қарз берганнинг ҳаққини қарздордан олиб беради. Шунинг учун ҳам "қиймат қарз" дейилади. У дунёда қарзини узмоқчи бўлгани билан пули бўлмайди. Бундай ҳолда қарз берганга қарздорнинг савобидан олиб берилади. Савоби бўлмаса, қарз берганнинг гуноҳлари қарздорнинг елкасига юкланади. Биродарлар, беш кунлик ўтар дунёни деб бир-биримизни алдамайлик. Шундагина дунёю охиратимиз обод бўлади.

— Катта ҳаётга қадам қўяётган ёхуд ўсмирлик чоғида касб-хунар танлашни орзу қилмаган йигит-қиз бўлмаса керак. Шунда улар тўғри ва фойдали маслаҳатта

тоб инсон учун ҳаммадан ҳам қадрли ва меҳрибонроқ дўст бўла олади. У сизга озор бермайди, кўнглингизни оғритмайди. Сизга ақл ўргатади, билмаганингизни билдиради, зарур маслаҳатлар беради. Китоб ўқисангиз, минг йиллар муқаддам ўтган пайғамбарлар, азиру авлиёлар, мужтаҳидлар, донишманд мутафаккирлар билан суҳбатлашасиз. Маънавий озуқа олиб, бошқа ёқдан топилмайдиган лаззатни топасиз.

Мадраса сабоқларини олган Беруний, Хоразмий, Ибн Сино, Форобий, Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур каби халқимизнинг фахри

АЛЛОҲ ЁРДАМ БЕРАДИ

имом-хатиби Аҳмаджон Бобомуродзода билан суҳбат

радан (розийаллоху анху) ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): "Ким одамларнинг молини қарзга олиб, уни адо этишни (яъни, қайтаришни) хоҳласа, Аллоҳ унга қарзни адо этиш йўлларини осон қилиб қўяди ва ким одамларнинг молини қарзга олиб, уни талофатга учратишни (яъни, бермасликни) хоҳласа, Аллоҳ унинг молини талофатга учратади", деганлар.

Қарз олиб одамларни алдаб кетадиган кишилар Аллоҳнинг ғазабига учраб, юз минг балоларга гирифтор бўлишини билмайди. Улар бу қилмишлари билан дунёда хору зор бўлиб, охиратда аламли азобга учрайди.

Ҳақдор банда ҳаққидан кечмагунича Аллоҳ таоло кечмайди. Шунинг учун ҳам марҳумнинг жанозаси ўқиладиган пайтда унинг яқинларидан: "Марҳумнинг елкасида қарзи бўлса, уни адо қилишни ким зиммасига олади?" деб сўралади. Қиймат

муҳтож бўлади. Суҳбатимиз йигит-қизларимиз ўрта мактабни тугаллаб, кейинги ҳаётларини қандай белгилаш, қайси касб-хунарни эгаллаш ҳақида бош қотираётган кунлар арафасида кечаётган. Мустақил ҳаёт бўсағасида турган фарзандларимизга илм олиш, ҳалол касб танлаш борасида маслаҳат берсангиз.

— Ислом дини билим олишга тарғиб этади. Аллоҳ таоло севиқли Пайғамбаримизга (алайҳиссалом) "Иқро", яъни, "Ўқи!" деб амр этди. Инсон ўқиса, ўқиш орқали ҳалолу ҳаром, яхшию ёмон ва яна қанча билиши зарур бўлган нарсаларни ўрганиб, саодатга эришади. Шунинг учун ҳам Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): "Бешиқдан қабргача илм изланг", деганлар.

Инсон ўқигани сари ўзининг кимлигини, нима учун яратилганини англай бошлайди. Шу сабабли биз мусулмонлар китобни севишимиз керак. Зеро, ки-

бўлган буюк аждодларимиз диний илм билан биргаликда дунёвий билимларни ҳам яхши билишган.

Мустақиллик шарофати билан мадрасаларда дунёвий фанлар диний фанлар билан бирга ўқитилмоқда. Биз уламолар ёшларимизни барча илмларни кунг ва ғайрат билан ўқишга тарғиб этамиз.

Илмли кишиларнинг мартабаси баланд бўлади. Зумар сурасининг 9-оятида: "Илмчилар билан илмсизлар тенг бўла оладиларми?" деб марҳамат қилинган бўлса, Мужодала сурасининг 11-оятида: "Илм ато этилган зотларнинг даражалари юксак" экани билдирилган.

Шундай экан, йигит ва қизларимиз илм олишлари, ҳалол касб-хунар танлашлари, ватанимизга муносиб, комил инсонлар бўлиб улғайишлари зарур.

Абдуқодир НИЁЗОВ
суҳбатлашди.

ИСЛОМ ОЛИМАЛАРИ

Илм пайгамбарлик меросидир. Яъни, илмни пайгамбарлар (алайҳимуссалом) мерос қолдиришган. Бу меросга эркагу аёл баб-баравар ҳақдордир. Ким аёлнинг илм олишини дин тақиқлайди деса, билингки, у Исломга хиёнат қилибди. Исломда илм олишда эркак ва аёл тенгдир. Чунки Қуръони каримнинг **"Ўқи, Парвардигоринг номи билан ўқи!"** амри эркак ва аёлга баробар қаратилгандир. Ислом олиб келган илм олиш эрки аёллар учун жаҳолатни енгишда нажот эшиги бўлди.

Саодат асрида саҳобиялар ўртасида илмлари, заковатлари билан ажралиб турган ҳазрати Ойиша бинти Абу Бакр, Умму Салама, Карима бинти Миқдол, Умму Кулсум бинти Уқба, Ойиша бинти Саъд (Аллоҳ ҳаммаларидан рози бўлсин) кабиларнинг номлари тарих саҳифаларига муҳрланган. Улар чин маънодаги Ислом олималари эдилар.

Пайгамбаримизнинг (алайҳиссалом) суюкли хотинларидан ҳазрати Ойиша (розийаллоҳу анҳо) рисолат дарсхонасида етишган илк олима эдилар. Бу борада мавқелари жуда баланд бўлган. Тафсир, ҳадис, фикҳ илмларида илғор эдилар. Шаръий ҳукмларнинг тўртдан бир қисми ҳазрати Ойиша ривоятлари асосида тузилган. Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўп ҳадис (2210 та ҳадис) ривоят қилишда етакчи ўринлардан бирида турадилар. Бу зотнинг бемисл ақл-заковатлари, қувваи ҳофизалари, билимдонликлари хусусида ўнлаб саҳобийлар ва шогирдларининг эътирофлари бор. Шогирдларидан Урва ибн Зубайр бундай дейди: "Мен ҳазрати Ойишадан

(Аллоҳ рози бўлсин) кўра улуғроқ олимни учратмадим. Қуръони карим илмларини, шариатда ҳалол-ҳаромни, фарзларни, шеърият, араблар тарихи ва насабини билишда бу зотга тенг келадигани йўқ эди". Ибн Абу Мулайк эса бундай фикр билдиради: "Ҳазрати Ойишанинг назм соҳасидаги иқтидорига ажабланмаса бўлади, зеро, оталари Абу Бакр Сиддиқ (розийаллоҳу анҳо) ҳам шеър айтганлар, ўтган шоирлар ижодини яхши билганлар. Аммо ҳазрати Ойишанинг тиб соҳасидаги чуқур билимлари кишини ҳайратга солади. Одамлар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб, хасталикларни даволашнинг турли воситалари ҳақида сўз очишганида Ойиша онамиз ҳаммасини ёдда сақлаб қолар эдилар. Бу зот риёзиёт (математика) илмини шунча яхши билар эдики, саҳобалар кўпинча мерос ва ўлжаларни тақсимлаш масалаларида у кишига мурожаат қилишарди".

Ойиша бинти Абу Бакр Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таълимотларини асҳобга беҳато етказар эдилар. Бу зотдан ўнлаб шогирдлар Қуръон, сунна ва фикҳ илмини ўрганишар эди. Ибн Ҳажар мўминлар онасидан билим олган саксон саккиз нафар улуғ олимнинг номини келтиради. Улар орасида Амр ибн Ос, Абу Мусо Ашъарий, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Абу Ҳурайра, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар каби машҳур саҳобийлар, Саид ибн Мусаййаб, Алқамма ибн Қайс каби тобеинлар бор эди. Улуғ саҳобийлар ҳам фикҳ соҳасида бирор мушкулот ёки тушунмовчиликка дуч келишса, ҳазрати Ойишага мурожаат қилишарди.



Ҳазрати Ойишадан олинган фикҳий билимлар шунчалар комил ва ишончли эдики, Мадинанинг машҳур фақиҳи Урва ибн Зубайр ва атоқли муҳаддис Қосим ибн Муҳаммад ҳамиша Ойиша онамиз ривоятларига суянишар ва адашишмас эди. Имом Аҳмад бундай деганлар: "Ҳазрати Ойиша ривоятларига суянганлар ичидан ана шу икковлон ҳар қандай фикҳий масалага ҳам жавоб топа оларди".

Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) пок аёлларидан яна бири Сафийя онамиз (розийаллоху анҳо) ҳам фикҳ бобида етук аллома бўлганлар. Имом Нававий: "Бу онамиз олималар ичида энг зукколарида эдилар", деб таърифлаган.

Мўминлар оналаридан Умму Салама (розийаллоху анҳо) ҳам етук олима, фозилалардан эдилар. Ибн Саъднинг "Табақот"ида ёзилишича, у киши фазл ва қарам жиҳатидан ҳам, ҳадис ривоят қилишда ҳам Расулulloҳ завжалари орасида фақат ҳазрати Ойишадан кейинда бўлганлар. Ибн Ҳажар Умму Салама онамиздан ҳадис ўрганиб, кейин ривоят қилган ўттиз икки улуг муҳаддиснинг номини келтиради. Бу зотга фикҳ масалаларида тез-тез мурожаат қилиб турган саҳобийлардан бири: "Орамизда Расулulloҳнинг бу завжалари турганида бошқалардан сўрашга ҳожат бормикин", дегани айтилади. Умму Саламанинг қизи Зайнаб ҳам замонасининг етук олимаси бўлиб етишган.

Робия бинти Муваҳҳид эса замонасининг етук фақиҳаларидан бўлган. Мадинанинг йирик олимлари Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар, Салмон ибн Ясор, Аббод ибн Волид, Нофъ кабилар ана шу зотдан фикҳ илмини ўрганишган.

Умму Атийя эса Басранинг энг машҳур олималаридан эди. Унинг ҳузурига кўплаб саҳобий ва тобеин олимлар фикҳнинг турли жиҳатларини ўрганиш учун келишар эди. У Расули акрамдан жуда кўп ҳадислар ривоят қилган. Имом Нававий у ҳақда: "Умму Атийя машҳур олима ва Расулulloҳ билан бирга жиҳод қилган шижоатли аёлдир", деган эди.

Имом Ҳасаннинг набираси, имом Жаъфари Содиқнинг келини Саййида Нафиса ҳам машҳур олима ва авлиёлардан бўлган. Дунёнинг турли бурчакларидан илм толиблари унинг ҳузурига таҳсил олгани келишган. Мазҳаб асосчиси Имом Шофеъий ҳам Саййида Нафисанинг шогирди бўлган.

Умра бинти Абдурахмон эса ҳазрати Ойишанинг иқтидорли шогирдларидан эди. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал бундай дейди: "У буюк тақводор ва улуг олима эди. Унга ҳазрати Ойишанинг ўзлари устозлик қилиб, жуда кўп ҳадисларни ўргатганлар. Умра ҳофизаси кучли, ишончли ровийлардан, шунинг учун унинг ривоятларини икки-

ланмай қабул қилса бўлади". Ибн Ҳиббон ҳам бу олимага катта баҳо берган.

Машҳур саҳобийлардан Абу Дардонинг хотини Умму Дардо ҳам ҳадис илмининг таниқли билимдонларидан эди. Имом Бухорий "Саҳиҳ"ларида бу аёлни мўътабар ровий сифатида таърифлаган: "Умму Дардо намоздаги ташаҳхудда одатда эркакларга ўхшаб ўтирар ва билимдон олималардан ҳисобланар эди". Ибн Абдул Барр уни "аёллар орасидаги етук олима, мутафаккир, айти пайтада ўта тақводор ва солиҳа аёл", деб таърифлаган.

Фотима бинти Қайс ҳақида куйидаги ривоят машҳур бўлган: бир куни ҳазрати Умар ва ҳазрати Ойиша бу саҳобийа билан бир масала юзасидан узоқ тортишиб қолишади. Лекин икковлари бир бўлиб ҳам Фотиманинг нуқтаи назарини ўзгартиришга ёки шубҳа остига олишга муваффақ бўлолмай, унинг айтганига кўнишга мажбур бўлишади. Имом Нававий бундай дейди: "У (Фотима) биринчилардан бўлиб ҳижрат қилганлардан ҳамда юксак заковат ва маҳорат соҳибаси эди".

Машҳур саҳобий Анас ибн Моликнинг онаси Умму Салим (Умму Анас) ҳам саҳобалар хурматига сазовор олималардан эди. Ибн Ҳажар дейди: "Унинг жуда кўп мақтовга сазовор хислатларини эслаш мумкин, аммо у буларсиз ҳам машҳур эди". Имом Нававий эса бу аёлни "Саҳобиялар орасида тенги йўқ олима", деб атайди.

Олима саҳобалар ёнида таниқли шоиралар ҳам бор эди. Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) қизлари Фотимаи Заҳронинг сўт қардоши Шайма бинти Ҳорис Саъдийя, Ҳафса бинти Амр ибн Шарид, Атиқа бинти Зайд, Нажия бинти Жундуб шоира саҳобиялардир.

Ҳижоздан ташқари Миср, Испания, Африкадаги бошқа ўлкалардан ҳам машҳур олималар етишиб чиққан. Анас ибн Моликдан ҳадис ривоят этган Обида Маданийя, Имом Бухорийнинг "Саҳиҳ"ини Маккада ривоят қилган Карима Марвазийаларнинг фаолияти алоҳида бир мавзу.

Тасаввуфда ҳам бир неча кўзга кўринган авлиё аёллар бўлган. Басралик машҳур сўфия Робиа ал-Адавийя, андалусиялик Фотималар шулар жумласидандир.

Имом Сарахсий айтишларича, "Аллоҳ таолога имондан сўнг энг қувватли фарз илм талаб этишдир". Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) тамал тошини кўйган илк исломий мадрасаларда жуда кўп саҳобия ва тобеин аёллар ҳам таҳсил олишди ва етук олималар бўлиб етишишди. Улар тарқатган билимлар қиёматгача Ислום умматига сўнмас маёқ ва комил дастур бўлиб хизмат қилади.

Муниба АҲМАД
тайёрлади.

"Мўмин мўминга кўзгу", дейилади ҳадиси шарифда. Дарҳақиқат, киши тўғри насихатга, таъсирли сўзга ҳар доим муҳтож. Бу борада мумтоз адибларимиз жуда гўзал анъаналарни шакллантиришган эди. Афсуски, советлар замонида адабиёт адаб дарсхонаси экани унутилди ҳисоб. Алҳамдулиллаҳ, кейинги йилларда анъаналар тикланаёттир. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Маликнинг яқинда нашрдан чиққан "Одамийлик мулки" китоби фикримиз тасдиғидир. Китобдан ота-она хурматиغا бағишланган бир парчани эътиборингизга ҳавола этаётимиз.

Тоҳир МАЛИК

ҲАР ДАҚИҚА ҒАНИМАТ



Ота-онасини хурмат қилмаган фарзанд ўз фарзандларидан хурмат талаб қилиши нолайиқдир, дейдилар. Сиз бу фикрга қўшиласизми? Унда "қайтар дунё" деган иборага қандай қарайсиз? Имом Муслим ривоят қилган бу ҳадиси шарифдан қандай маъно уқамиз: "Оталарингизга меҳрибон бўлинглар, шунда сизлар ҳам фарзандларингиздан меҳр-мурувват кўрасиз".

Ривоят: Ўғил кўзлари хиралашиб қолган, овқат еяётганида қўллари қалтирайдиган қари отасининг иззат ва хурматини бажо келтирмас эди. Бир куни чол бечоранинг қўллари қалтираб, ош сузиб берилган чинни косани тушириб, синдириб қўйди. Буни кўрган келини нордон гап айтиб, унинг кўнглини вайрон қилди. Ўғил эса отасини ҳовли этагидаги зах хонага кўчирди. Келин энди қайнотасига

маъсумона кўзлари, ёқимли қилиқлари билан бобосининг кўнглини овлаб, унинг ғам ва аламларини бир оз бўлса-да, енгиллатарди.

Бола кўлига пичоқ олиб бир ёғочни йўниб ўтирганида отаси: "Ўғлим, нима қиляпсан?" деб сўради. Бола юмушидан бош кўтармаган ҳолда жавоб берди:

— Дадажон, ойим эски ёғоч косада бувамга овқат берадилар. Мен ҳам ёғоч коса ясапман, катта бўлганимда ойим билан сизга шу косада овқат бераман.

Гўдакнинг бу ибратли гапи отага таъсир қилди. У дарҳол зах хонада ётган отаси ҳузурига кирди, тиз чўкди, кўзёши тўкиб, узр сўради...

Бу барчага мактаб бўлгучи воқеа баёни. Баённинг хотимасини бу каби ижобий тарзда яқунламай, "гўдакнинг гаплари отасига таъсир этмади, чол ўша зах хонада зорлик билан

ўлим топди", десак ҳам бўлади. Чунки қалби тош фарзандлар ҳали ҳам бор, уларнинг бир гап билан инсофга келишларига ишониш қийин. Начора, инсофга келмасалар, ўзлари эккан бемехрлик дарахтининг аччиқ мевасини ўзлари ейдилар. Бу жазо узоқ куттирмайди. Бугун атрофларида эмаклар юрган ширин фарзандларининг ёғоч косада таом тутиш онлари гоят тез келганини ўзлари ҳам билмай қоладилар.

* * *

Биз бешикларни кўп кўрамиз. Аммо қачондир шу каби бешикда ётганимизни, онамиз тунлари бедор алла айтиб чиққанларини ўйлаб кўрамизми? Агар ўйламасак, эсламасак, унда ноинсоф фарзанд эканмиз. У ҳолда уй тўрига бешик суратини чиздириб, остига "Унутма!" деган хитобни ёзиб қўймоғимиз лозимдир?

Бир биродаримизнинг ҳикоялари гоят таъсир қилган эди, шуни сиз азизлар билан баҳам кўрмоқчиман.

"— Ҳайит арафасида онам билан бирга бозорга тушдик. Ниятимга кўра, энг аввал онажонимга янги махси олиб бердим. Ўша ернинг ўзида янги махсини кийдириб қўйдим. Кейин кавушларини ҳам янгиладим. Сўнг патак олиб келиб кавушларига солдим. Кейин Туркияда ишлаб чиқарилган

* * *

янги пайпоқ ҳам олиб бердим. Онажоним тураётганларида "Энди рўмол олиб берсам, бош-оёқ сарпо қилган бўларканман", деб ҳазиллашдим. Онам: "Ҳа, ҳа", деб қулиб қўйдилар. Гап-сўзларимизни эшитиб турган махсидўз "Онахон, бу йигит ўғлингизмилар?" деб сўради. "Ҳа", дедилар онам. Шунда махсидўз: "Ҳозир жуда улуғ иш рўй берди. Розилик билан шундай жилмайдингизки, мана шу табассум ўғлингиз учун еру осмон гулга тўлганидан ҳам яхшироқ бўлди. Дунёда Аллоҳга имон келтирганидан кейин ота-онанинг хизматини қилиб, дилини хушнуд этишдан улуғроқ иш борми?! Кўриб турибманки, ўғлингиз хизматингизни сидқидилдан қиляпти, мен бу ишларга қиёматда гувоҳлик бераман, ҳозир шу ерда фарзандингиз ҳаққига дуо қилинг, чунки шу соатда Аллоҳнинг даргоҳи очик турибди, иншааллоҳ!" деган гапларни айтди. Мен махсидўзнинг оддий одам эмас, балки илм эгаси эканини англадим. Гапларидан қалбим сел бўлиб оқди. Онажоним шу бозорнинг ўртасида узоқ дуо қилдилар... Ўша воқеадан сўнг қачон онамнинг хизматларини қилсам, аввал ҳеч ҳис этмаганим бир ажиб улугворликни сезадиган, чарчоғим тарқайдиган, таним роҳатланадиган, дилим яйрайдиган бўлди".

Бу ҳикоя кишини ўйга толдиради: тасаввур қилайлик, айни дамда қанча ота-она совуқ уйларда, совуқ ёлғизликдан ёки фарзандларининг совуқ муоммаларидан дейдираб ўтирибдилар экан? Қани эди ўша совуқ муомалали фарзандлар шу йигитдан озгинагина ибрат олишсаю дуоғўйларининг қадрини билишса. Жаннатлари йўларини топиб олишса.

Битта ҳақиқат бор, унутмаслик керак: ким ота-онаси дуосидан маҳрум бўлибди, жаннатдан маҳрум бўлибди! Аллоҳ сақласин.

Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларидан мисол: қариб қолган отанинг бир ўғил ва бир қизи бор. Ўғилнинг турмуши тўкин, жамиятдаги мавқеи ҳам баландроқ. Қизнинг оиласи бир амаллаб кун кўради. Ота хасталаниб касалхонага тушганида бу фарзандларининг меҳр-оқибати аниқ кўринди. Ўғил ишда банд эканини баҳона қилиб кам келади. Ўғилнинг меҳри шундай бўлгач, оиласиники қандай бўларкин? Қиз эса кунда икки-уч қатнайди. Шунда ота қўллари баланд кўтариб, қизни дуо қилади. Қиз кетгач, жони узилади. Ўша дуо отанинг розилиги эди. Аллоҳ ҳам ундан рози бўлди. Ўғилнинг оиласидан барака кўтарила бошлади. Бошига кўп ташвишлар тушди. Қариганида фарзандлари ёнида бўлса ҳам, сугта ивигилган бир қошиқ нонни оғзига тутгувчи меҳрибон топилмади. Касалхона фаррошининг қўлида жон берди. Фаррош мусулмонлик қоидаларини билмагани сабабли жағлари, оёқ-қўллари боғланмай, ғассолни ҳам анча қийнади. Ғассол қанча уринмасин, жағ очиклигича кетди.

Қизнинг оиласи эса кундан-кун яшнаш берди. Чолнинг ўша қизи кексалик ёшига етганида, хасталанганида фарзандлари қўлларида кўтариб юрганларини ўзим кўрдим. Жон беришлари ҳам мўъжиза каби юз берди. Фарзандлари даврасида, гапларидан адашмай, яхши насихатлар қилиб, бир нафас билан енгилгина жон берди.

Шу кунларда, шу дақиқаларда ҳам кимнингдир отаси ёки онаси шифохонада ётгандир. Уларни йўқлаб ҳар куни боряпмизми? Билишимиз жоизки, уларга докторнинг дориси эмас, бизнинг иссиқ юзимизни кўриш даводир. Кунда бир борамизми? Нима учун икки марта бормаймиз? Борганда ҳам неча дақиқа ўтирамиз? Ўн дақиқами ё ярим соатми?

Ҳа... биз банд одамлармиз. Ишимиз кўп. Энди диққат қилайлик, ишимиз кўп, аммо ота-онамиз кўп эмас. Биттагина! Бугунги ишни эртага бажарсак ҳам бўлади. Бугунги мажлисга кирмаслик ҳам мумкин. Бироқ ота-она ғанимат, бугун кўргани келолмасангиз, эртага иссиқ юзларини эмас, совуған жасадларини кўришингиз мумкин. Ҳар нафас ғанимат, ҳар дақиқа ғанимат. Дийдор онларини қўлдан чиқарсангиз, то ўлгунингизча армонда яшайсиз. Қиёматда қандай ҳолда дийдор кўришасиз? Жаннатда жам бўласизми ота-онангиз билан ёки дўзахда армон ўтида ёнасизми?

Азизим, эҳтимол шу сатрларни ўқиётганингизда отангиз ёки онангиз шифохонададилар. Аллоҳ уларга шифо берсин. Сиз эса... кўлингиздаги китобни қўйинг. Уларнинг ҳузурларига боринг, дуоларини олинг. Эҳтимол ота-онангиз соғдир (ҳамиша соғ бўлсинлар), аммо бошқа маҳаллада ёки бошқа шаҳарда яшашар. Барибир китобни ёпинг, уларни йўқлашга шошинг. Бошқа шаҳарда бўлишса, кўнғироқ қилинг ёки икки оғиз ширин сўзингизни оқ қоғозга тушуриб йўлланг. Бу ҳам савоб.



ИРИМ

Динимиз иримдан қайта-ради. Сафар ойида сафарга чиқиб ёки тўй қилиб ёки кўч кўтариб бўлмайти, деган гаплар иримдир. Абу Ҳурай-радан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): "Касалликнинг юқиши йўқдир. Ирим қилиш йўқдир, руҳларнинг қушга айланиши йўқдир, уруш ман қилинган ойни кейинга суриш йўқдир", деганлар.

Киши Аллоҳнинг ирода-си билан касал бўлади. Дар-ҳақиқат, биз ҳар хил касал-ликлардан эҳтиёт бўлиб юр-ган кўплаб одамларнинг касал бўлганини, доимо касал-лар орасида аралашиб юра-диган кишининг (масалан, дўхтирнинг) мутлақо касал бўлмаслигини кузатишимиз мумкин.

Жоҳилият даврида араб-лар бирон иш қиладиган бўлса, аввал қуш учуриб кўришарди. Қуш ўнг томонга учса, ўша иш яхши бўлади, деб уни қилишар, агар қуш чап томонга учса, ирим қилиб, бу ишда яхшилик йўқ экан, деб тарк этишар, агар қуш тўғрига учса, бошқатдан

учуриб кўришар эди. Пай-ғамбаримиз (алайҳиссалом) барча иримлар тавҳидга зид деб эълон этдилар.

Исломдан аввал бирон-бир киши ўлдирилса, унинг руҳи қушга айланиб учиб юради, токи унинг қасоси олинмагунча у руҳ азобда бўлади, деган нотўғри ту-шунча бор эди ва жуда кўп уруш-жанжал, ўлдириш, қон тўкиш мана шу нотўғри ақида натижасида юз берар эди. Пайғамбаримиз (алай-ҳиссалом) буни бутунлай ин-кор қилдилар. Бизнинг диёр-ларда ҳам руҳ капалак бўлиб ё бошқа ҳолатда хонадонга келиб туради, пайшанба куни дастурхонлар тепасида ҳозир бўлади, деган тасаввур ёйилган. Бу қараш ҳам бутун-лай нотўғридир. Руҳ танадан суғуриб олинганидан кейин айланиб юрмайти, хонадо-нига келмайти. Мана шу соф исломий ақидадир.

Анас ибн Моликдан (ро-зийаллоҳу анҳу) ривоят қи-линган ҳадисда Пайғамбари-миз (алайҳиссалом) марҳа-мат қиладилар: "Касаллик-нинг юқиши йўқдир. Ирим йўқдир. Мен фални яхши

кўраман". Шунда саҳобалар: "Фал нима?" деб сўрашди. Пайғамбаримиз (алайҳисса-лом): "Яхши сўз", деб жавоб бердилар.

Масалан, бир беморни кўришга бордингиз. Аҳволи оғир. Унинг ҳоли эртага нима бўлишини билмайсиз. Яшаб кетадими, жон топши-радими — қоронғу. Лекин сиз унга барибир "Худо хоҳласа, тузалиб кетасиз", дейсиз. Ана шу фал дегани. Яъни, бемор-ни кўришга борилса, яхши умидда: "Сиз тузалиб кета-сиз", деб кўнгли кўтарилади. Пайғамбаримиз (алайҳисса-лом) шуни яхши кўрганлар.

Биз нима учун ирим қила-миз? Бирон-бир хатарнинг гўё олдини олиш учун шундай қиламиз. Гўё шу ойда бир ба-лога учрамай деб тўй ёки са-фар қилмаслик билан ёмон-ликдан ўзимизни ҳимояламоқ-чи бўламиз. Лекин билмаймиз-ки, бу ишимиз билан ёмон-ликнинг устида турибмиз. Бу-нинг мисоли бир оёғини олов-дан сақлаб, иккинчи оёғини оловга ташлашдай гап. Киши ирим қилиб ўз бошига бир ёмонликни олиб келиши мум-кин. Ирим қилишдан, унинг ёмон оқибатларидан кўрқи-шимиз керак.

Агар ақидамиз мустаҳкам бўлса, унга мувофиқ ҳаёт ке-чирсак, барча ишларимиз хайрли бўлади. Аллоҳ таоло ақидамизни мустаҳкам қил-син. Зеро, соф исломий ақида инсонни мард этади, хулқи, ахлоқи, маънавияти, маданиятини зийнатлайди.

Раҳматуллоҳ
ҲАБИБУЛЛОҲ ўғли,
"Ҳўжа Аламбардор" жомеъ
масжиди имом-хатиби



Бугун мен мўминга ярашиқли хислат — беғубор табассум ҳақида ўйлаб қолдим. Табассум гўзал инсоний муносабатларга йўл очувчи эшикдир. Савоб ишнинг энг осон ва яқин йўлидир.

Табассумли чеҳра нурафшон кун каби кўнгилларни яйратади. Тунд ва жаҳддор юз эса, қоронғу ва зерикарли кундек қалбни жунжиктиради.



Табассум ҳада этинг

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ўғитларини эсланг: "Биродарингнинг юзига табассум билан боқишинг сен учун бир эҳсондир. Яхшиликни ният қилиб ёмонликдан йироқ бўлмоғинг, йўлини йўқотганга йўл кўрсатмоғинг, ожиз бандаларга ёрдамчи бўлмоғинг, йўл юзидан ҳалал берувчи нарсаларни олиб қўймоғинг сен учун бир садақадир". Шундай экан, мусулмонлар ўртасида дўстлик ва қардошлиқ ҳақиқий бўлмоғи шарт. Ўзаро жанжаллашаётган, бир-бирига хўмрайишаётган кимсаларга Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ўғитлари етарли эмасми?!

Мавлоно Румийга қулоқ соламиз:

"Севилиш қийин бўлса, севиш осондир. Севилиш учун бир қанча фазилатларга эга бўлишинг даркор, севиш эса, ҳар бир инсоннинг иқтидоридан бор бўлган ажиб неъматдир. Севилиш инсоннинг қўлида эмас, аммо севиш фурсатини бой берма. Модомики Юсуф бўлиш имконияти йўқ экан, Ёқуб бўлишдан сени ким қайтара олади? Севгингга содиқ, ишқингга қоим бўлишингга ким ҳалал беради?"

Ғамгинлик ва шодликда, тўқликда ва очликда биродарликни бирдек ушлаган инсонлар заминни тутиб тургандек гўё. Худбинларча яшаш, ўзига истаган яхшиликни биродарига раво кўрмаслик, ўзгалардан ҳатто табассумини аяш инсонга ярашиқсиз ҳоллардир.

Муҳаббат ва табассум неъматидан маҳрум бўлмайлик. Ахир у бизни ташвиш-қулфатга қўймайди. Табассум қила олмайдиган киши дунёнинг бошқа неъматларидан ҳам бебаҳрадир. Чунки табассумнинг илдизи қалбда бўлади. Мўминнинг табассуми асло риёкорларнинг сохта тиржайиши эмас. У истеҳзо ва ёлғонга буткул бегона.

Хуллас, дўстлик ва муҳаббат йўлини ойдинлатувчи биринчи шуъла юзларда балқиган табассумдир. Табассумингиз гўзал ва беғубор бўлсин. Сиз уни бошқаларга ҳам ҳада этинг.

Умида АБДУСАЛОМ қизи

БИЛИМДОНЛАР КЎРИГИ

Шу йилнинг 25 апрел куни Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институтида Ислом ўртамахсус билим юртлари талабалари ўртасида анъанага айланиб қолган "Ягона олимпиада" билимдонлар кўригининг якуний босқичи ўтказилди.

Иштирокчилар она тилидан ёзма иш (диктант) топширдилар, араб тили, фикҳ, Ўзбекистон тарихи, маънавият ва маърифат асослари фанларидан тест саволларига жавоб бердилар.

Хожа Бухорий номидаги Китоб мадрасаси талабаси Жалолиддин Ҳақбердиев биринчи ўринни олиб, Тошкент Ислом институтида ўқиш шарафини қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган "Кўкалдош" мадрасаси талабаси Муҳаммаджон Нарзиев ва Мир Араб мадрасаси талабаси Ўктам Неъматов тегишли мукофотларга сазовор бўлишди. Қизлардан Ҳадичаи Кубро мадрасаси талабаси Ҳафиза Зоирова биринчи, Хожа Бухорий мадрасаси талабаси Дилором Анварова иккинчи, Жўйбори Калон билим юрти талабаси Маҳфуза Ақромова учинчи ўринни қўлга киритишди.

2006 ЙИЛ ЎҚИТУВЧИСИ

Шу йилнинг 26 апрел куни Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институтида Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги таълим муассасалари мударрислари ўртасида "2006 йил ўқитувчиси" кўрик-танловининг якуний босқичи бўлди. Беш йўналишда мударрисларнинг кўргазмали куруллари, дарс таҳлили, касбига муносабати, мураккаб педагогик ва психологик вазиятларда одилон ва оқилонга йўл тутиши, бўш вақтлардан самарали фойдаланишдаги тажриба ва топқирликлари, илм ва маҳоратлари синовдан ўтказилди. Танлов натижаларига кўра, Тошкент Ислом институти мударриси Мансурали Араббоев биринчи ўринни эгаллаб, ҳаж сафарига, иккинчи ўрин соҳиби Хожа Бухорий номидаги Китоб Ислом ўрта-махсус билим юрти ўқитувчиси Ҳикматилла Тоштемиров эса умра сафарига имтиёзли йўлланма олишди. Учинчи ўринга муносиб кўрилган Саййид Муҳйиддин Маҳдум мадрасаси мударриси Ҳабибуллоҳ Жўрабоев юз минг сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

Мударрислар ўртасидаги танловда Ҳадичаи Кубро аёл-қизлар мадрасаси муаллимаси Гулобод Курбонова биринчи, Хожа Бухорий мадрасаси мударрисаси Фариди Жабборова иккинчи, Жўйбори Калон мадрасаси ўқитувчиси Ойишахон Қодирова учинчи ўринни қўлга киритишиб, пул мукофотлари билан тақдирланишди.

Илм олишга интилиши ва ихлоси кучли талабаларимиз, жонкуяр, иқтидорли, касбига муҳаббатли ўқитувчиларимиз сафи кенгайверсин.

ЖҲЙБОР ХОЖАЛАРИ



Ҳозирги Бухоро шаҳрининг жануби-ғарбидаги Жўйбор¹ мавзеи жойлашган ҳудуд шайбонийлар сулоласидан Абдуллаҳон II (ҳукмронлик даври 1557–1598) фармони билан Бухоро девори қайта қурилгач, шаҳарга қўшиб олинади. Мавзе таркибида Жўйизор, Дасторбандон, Чақар, Жаъфарон маҳаллалари бўлган. Бу ерда масжид, мадраса, хонақоҳ, сардоба, ҳовуз каби иншоотлар қурилган. Солорҳаж (ҳажга борувчилар бошлиғи) дарвозаси ҳам шу мавзеда жойлашган. Ҳажга борадиган бухороликлар шу дарвозадан чиқишган. Кейинги асрларда у Қоракўл дарвозаси деб номланган (у ҳозиргача шаҳарда сақланиб қолган ягона дарвозадир). XX аср 20-йилларигача бу мавзеда Бухоронинг бадавлат хонадонлари истиқомат қилишган.

XV–XVI асрларда Бухоро машойихлари нақшбандия тариқатини янгича шароитларда ривожлантирдилар. Машҳур Чор Бақрнинг авлодлари – Жўйбор хожалари ана шулар жумласидандир. Улар шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида тарих саҳнасига чиқиб, кейинги бир юз эллик йил давомида Бухоро хонлигининг ижтимоий-сиёсий ҳаётига фаол аралаша бошлашди.

1559 йили Бухорода бўлган англиз сайёҳи Антоний Женкинсон Жўйбор хожалари ҳақида бундай деган эди: "Бухорода диний раҳбар бор. Қиролга нисбатан унга кўпроқ кулоқ солишади, у ўз хоҳиши билан қиролни ўрнидан олиб, бошқасини қўя олади".

Уларнинг Жўйбор хожалари номини олиши XV аср бошларида Хожа Муҳаммад Яҳёнинг (Хожа

Муҳаммад Исломининг бобоси) Жўйборга кўчиб келиши билан боғлиқ. Жўйбор хожалари Исломин тарғиб қилиш учун Маккадан Нишопурга, у ердан Бухорога келганларнинг авлодларидир.

Жўйбор хожаларининг энг машҳур намоён-даси Хожа Муҳаммад Ислоmdir. У Бухоро хонлари Убайдуллаҳон (ҳукмронлик даври 1533–1540) ва Абдуллаҳон II нинг пири, Бухоро шайхулисломи ҳисобланган. Хожа Муҳаммад Ислом 1493 йили Бухоро атрофидаги Жўйбор мавзеида туғилган. Отаси Хожа Аҳмад катта мол-мулк эгаси бўлиб, Бухоро уламоларининг пешвоси саналган, бобоси Хожа Муҳаммад Яҳё эса замонасининг авлиёларидан эди.

Хожа Муҳаммад Ислом ёшлигидан нақшбандия тариқати асосларини пухта ўрганди. Унга бобоси ва отаси устозлик қилишди. Кейинроқ у Махдуми Аъзам (Саййид Жалолиддин Аҳмад Хожагий ибн Саййид Жалолиддин Косоний Даҳбедий 1463–1542) этагини тутди. Бадриддин Кашмирий ёзишича, у Султон Ҳусайн Бойқаронинг амир ул-умароси Муҳаммад Туман мангитнинг қизига уйланган. 1531 йили бу никоҳдан унинг ўғли ва вориси Хожа Саъдулдин (Хожаи Калон номи билан машҳур) туғилади. Хожа Муҳаммад Ислом ёшлигидан давлат ва сиёсат ишларига фаол аралашган. Дастлаб у Бухоро ҳокими Убайдулла Султон саройида хизмат қилади.

Ҳусайн Сарахсийнинг "Маноқибн Саъдийа" асарида ёзилишича, шайбонийлардан Кармана ҳокими Искандар Султоннинг (ҳукмронлик даври 1561–1583) ўғли Абдулла Султон (бўлажак

Абдуллахон II) чақалоқлигида дардга чалинганида унинг тузалиши учун ўзининг тўнғич ўғлини бахшида этган экан. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг "Абдуллонома" асарида келтирилишича, Хожа Муҳаммад Исломи кейинчалик Абдуллахонни ўзига шогирд ва муридликка қабул қилиб, унинг буюк келажагидан башорат қилади. Хожа Муҳаммад Исломи раият осойишталиги, хонлик барқарорлиги учун катта фидойиликлар кўрсатди. Шайхулислом сифатида Абдуллахон II нинг марказлашган давлат тузиш йўлидаги қаттиққўл сиёсатини қўллаб-қувватлади. Нафақат Бухоро хонлиги, балки бутун Мовароуннаҳрда, айниқса, Махдуми Аъзам вафотидан сўнг унинг нуфузи ортиб борди. Ҳиндистон, Эрон, Кошғар, Бадахшон ҳукмдорлари у билан хат ёзишиб туришган. Абдуллахон II Балх ҳокими Пирмуҳаммадхон (ҳукмронлик даври 1546—1567) таклифини қабул қилиб, 1561 йили Бухородаги ҳукмронлигини Балхдаги ҳокимликка алмаштирмақчи бўлганида Хожа Муҳаммад Исломи уни бу йўлдан қайтариб қолди.

У шунчалик эътибор ва ҳурмат қозонган эдики, "Кошғар, Ёркент подшоҳлари, Хитой ва Хўтан сарҳадларигача бўлган ерлардаги подшоҳлар, манғит мирзолари, қозоқ подшоҳлари, Тура ва Дашти Қипчоқ султонлари, Хоразм, Марви Шоҳижаҳон, Ниса ва Бодарад (Обивард) подшоҳларининг бўйинлари ихлос ва эътиқод юзасидан Онҳазрат (Хожа Муҳаммад Исломи — Қ.Р.) фармони ҳалқаси ичида эди".²

Бухоро хонлари ўз навбатида Хожа Муҳаммад Исломига катта миқдорда вақф ерлари ва мулклар инъом қилишган. Убайдуллахон 1512 йил кузида Гиждувон яқинида бўлган жангда қозонган ғалабаси муносабати билан Хожа Муҳаммад Исломига Сумитонга туташ қишлоқлардан икки юз жуфт хўкиз, серунум ер ва бошқа мулкларни ажратган. 1552 йили Насафни эгаллаган Абдулла Султон Қарши вилоятидаги Мудан қишлоғини пири муршиди Хожа Муҳаммадга ҳадя қилади. Шунингдек, унга қайнотаси Муҳаммад Туман манғитдан Хуросонда катта ер-сув мерос қолган эди.

¹. "Жўйбор" "катта ариқ", "анҳор" мағноларини билдиради.


². Хусайн ас-Сарахсий. "Маноқиби Саъдийя" ("Хожа Исломи мақомлари"), "Бухоро", 2002, 28-бет.

Шайбонийлар сулоласи даврида қурилган кўплаб меъморий обидалар, солинган йўл ва қазилган анҳорлар ота-ўғил Хожа Муҳаммад Исломи ва Хожа Саъдуддин номлари билан боғлиқдир. Бухоро шаҳридаги Гавкушон катта мадрасаси ва жомеъ масжид, Ҳаммоми Кунжак ва Тоқи Саррофон ёнидаги карвонсарой, Зандане тумани (ҳозирги Хожа Пешкў қишлоғи)даги жомеъ масжид, Ванғозедаги Тошмасжид ва минора ҳам Хожа Муҳаммад Исломи маблағига қурилган. Унинг Гавкушон ва Жўйбор мадрасаларида 8000 жилдлик улкан кутубхонаси бўлган. У саховатли ва мурувватли инсон бўлгани учун Бухоро халқи уни "Кутбул ғавс" ("Мададкор кутб") деб эъзозлаган.

Хожа Муҳаммад Исломи Бухоронинг Дарвозаи Об карвонсаройи хонақоҳида 1563 йил 15 сентябрда вафот этган. Таъзия маросимлари бошида Бухоро хони Искандархон ва унинг ўғли Абдуллахон II туришган. У Бухоро яқинидаги Сумитон мавзейига — бобокалони Абу Бакр Саъд қабрининг қибла томонига дафн этилган.

Хожаи Калон номи билан машҳур бўлган Хожа Саъдуддин ибн Хожа Муҳаммад Исломи 1531 йили Бухорода туғилган. Бобокалони Абу Бакр Саъд каби бўлсин деб унга ҳам Саъд исми берилган. Ёшлигидан чуқур диний маълумот олган Саъднинг салоҳияти ва кароматини кўрган Махдуми Аъзам уни "Хожаи Калон" ("Буюк хожа") деб атайдди. Отаси вафотидан сўнг унинг ўрнига Абдуллахон II Хожа Саъдуддинни Бухоро шайхулисломлиги қилиб тайинлаган. Бухоро хонлигининг тинчлиги ва давлат манфаатини барча нарсдан устун қўйган Хожа Саъдуддинга "Кутбул ақтоб" ("Кутблар кутби") ва "Саййидлар паноҳи" унвонлари бежиз берилмаган.

Хожа Саъдуддин отаси бошлаган бунёдкорлик ишларини давом эттирди: Жўйбор мавзейи-



да катта чорбоғ яратди, Гавкушон мадрасаси, Сомончук мавзеи (ҳозирги Жондор тумани ҳудуди)да жомеъ масжид ҳамда Бухоро, Марв, Қарши, Косондаги ўнлаб обидалар унинг маблағи ҳисобига қурилди. У 1568 йили Марв шаҳрига ариқ ҳам қазирди.

Хожа Саъдуддин 1589 йил 23 октябрда Бухоро шаҳрида вафот этди. У ҳозирги Чор Бакр меъморий мажмуасига — ота-боболари хилхонасига дафн этилди. Қабри отаси марқаднинг қибла томонида.

Хожа Саъдуддиннинг уч ўгли — Хожа Тожиддин Ҳасан (1574—1646), Хожа Абдураҳим (1575—1628) ва Абду Хожа (1580—1607) бўлган. Тўнғич ўгли Хожа Тожиддин Ҳасан ота вафотидан сўнг 1589 йили шайхулислом бўлди. У Бухоро хони Имомқулихоннинг (ҳукмронлик даври 1611—1642) сингласига уйлангач, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта мавқе қозонади. Иккала укаси эса хон саройида хизмат қилишди.

Хожа Тожиддин Ҳасан ҳам Бухорода бунёдкорлик ишларини олиб борди. Бухоронинг Регистонида Дорушшифо мадрасасини қурдириди. Бу мадраса ўз даврининг дорихонаси ҳам эди. Шунингдек, мадраса кутубхонасида ўн минг нодир китоб бўлган. У Зандане туманининг Хожа Пешкў қишлоғида (ҳозирги Пешкў тумани ҳудудида) хонақоҳ, масжид, мадраса ва минора қурдирган. Бундан ташқари ўнлаб обидаларни ўз маблағи ҳисобидан таъмирлатган. Хожа Тожиддин Ҳасан милодий 1646 йили 72 ёшида Бухорода вафот этди ва Хожа Муҳаммад Ислон қабри ёнига дафн этилди. Ундан Юсуф Хожа, Муҳаммад Хожа, Тоййиб Хожа ва Абдул Аббос Муҳаммад Толиб ("Матлаб ат-толибон" асарининг муаллифи) исмли тўрт ўғил қолган.

Бироқ Хожа Тожиддин Ҳасаннинг укалари ҳаёти осойишта кечмади. Уларнинг иккаласи ҳам она юрти Бухорони ташлаб, Ҳиндистонга кетишга мажбур бўлди. Катта укаси Хожа Абдураҳим халқ ўртасида обрўга эга бўлса ҳам, Имомқулихон билан келишолмагач, ҳаж сафарига жўнади. Ҳиндистонга боргач, бобурийзода Жаҳонгиршоҳ ва Шоҳ Жаҳон уни катта иззат-икром билан кутиб олишди. Хожа Абдураҳим 1628 йили Кашмирда вафот этди. Жасади маофа тобутда Бухорога олиб келиниб, отаси Хожа Саъдуддин қабри ёнига дафн этилди.

Кичик ука Абду Хожа аштархонийлар сулоласининг дастлабки хони Боқи Муҳаммадхон эътиборини қозонди. Хон ўз сингласини унга никоҳлаб берди. Бироқ орадан кўп ўтмай у билан Боқи Муҳаммадхон ўртасида ихтилоф чиқиб, бутун мол-мулкни ташлаб Ҳиндистонга йўл олди. Бобурий ҳукмдорлар ҳузурини кун кечирди. Бироқ у ҳинд диёрида ҳам кўп яшамади. Йигирма етти ёшида Ҳиндистонда касалланиб, вафот этди (1607), жасади Бухорога келтирилиб, Чор Бакр мазорига дафн этилди.

Қаҳрамон РАЖАБОВ,
тарих фанлари доктори

ЎЗИМНИ ТОПИШ ЙЎЛИГА ТУШДИМ

Умримнинг ярми ўтгандай туюлади менга. Энди пастга эниш бошланади. Бу эса доимо қийин. Чунки пастда шодликдан кўра азоблар кўп. Гуноҳларимни ўйлайман. Тавбага шошилишим керак...

"Рози эмасман. Берган нону тузим сени кўр қилсин! Оқ қилдим, сендай болам йўқ!" Отанинг бу сўзларидан сўнг она соч юлиб йиғлади. Ўғил эса бепарво қайрилиб йўлида кетди. Қалбимни бир титроқ ларзага солди.

Ниҳоят ўзимни топиш йўлига тушдим. Хурсандман. Энди ҳар нарсадан тезда шод ҳам бўлмайман, унча-мунча аччиқ гапга парво ҳам қилмайман. Фақат бир парча мато устига чўккалаган вақтимда қалтироқ босаверади. Қўрққанимдан тобора меҳробга сингиб боряпман.


Айрилиқ биринчи бор уч ёшимда бошимга тушган. Кейин... йигирма саккизимда. Ундан сўнг эса давом этаверди, этаверди... Ҳамон тўхтамайди. Энди англадим: уни тўхтатишнинг иложи йўқ экан. Энди шунга муносиб яшай олсам бўлди.

Йўқласам-да энди улар келишмайди. Улар узоқда. Улар кетганидан кейингина мен нақадар овир йўқотишлар бўлганини сездим. Шундагина "қадр" деган тушунчанинг қадрига етдим.

"Тўрт оёқли чўбин от" энг зўр улов экан. У сизни узоқ-қа, сиз умр бўйи интилган борса-келмас томонга олиб кетади. Фақат ўша кунда сиздан кимдир норози бўлмаслиги учун ҳозир кўпроқ яхшилик қилишга улғуриш керак.

Рустам ЭМИН





киришишади. Осон йўли ҳам топилақолади: истаган деҳлилик қўлига илинган нарсани бепул олиб кетиши мумкин, деб эълон қилишади. Шу йўсин қисқа бир вақт ичида масжид ҳовлиси топ-тоза, подшоҳни кутиб олишга тайёр бўлади.

Бу қадимий масжид тарихи давомида кўпгина воқеаларни кўрди. Бобурийлар салтанати аста-секин емирила бошлади. 1768 йилги афгон босқини чоғида бобурийлардан йигирма икки киши ҳалок бўлди. Босқинчилар

ДЕҲЛИДАГИ БОБОМЕРОС ЖОМЕЪ

Эски Деҳлига кириб борар экансиз, кўкка бўй чўзган Жомеъ масжидининг мармар гумбазлари олислардан кўзга ташланади. Тор кўчалари энг кўҳна осори атиқалар ҳидига чўмган Ҳиндистон пойтахтининг бу қадимий гўшасида жаҳондаги энг йирик ва машҳур Жомеъ масжиди жойлашган бўлиб, сайёҳлар уни зиёрат қилмай кетишмайди.

Муҳташам ва салобатли, айна пайтда ўта но-зик бу иншоотни беш минг ишчи саккиз йил мобайнида қуриб битказган. У бугунги кунда ҳам дақиқ меъморий ечими билан ақллари лол қолдиради.

Шоҳжаҳон бобоурийларнинг энг етук ва фозил вакилларидан эди. Айнан унинг фармони билан 1650 йили Жомеъ масжиди қурилиши бошланди. Муаррихлар ёзишича, ҳукмдор Шоҳжаҳон ҳаёти давомида бирор марта тунги (таҳажжуд) намозини тарк қилмаган кишига масжиднинг биринчи гиштини қўйишни топширмоқчи бўлади. Атрофдагилардан садо чиқмагач, бу ишни Шоҳжаҳоннинг ўзи бажаради.

Яна қизиқ бир воқеа ҳам тарих саҳифаларига битилган: Жомеъ масжиди қурилиши тугай деганида кўққисдан подшоҳ келиб қолади ва битмаган масжидда ўзи иштирокида жамоат намози ўқишга амр қилади. Аъёнлар бундан даҳшатга тушишади. Чунки ҳавозалар ҳали йиғиштирилмаган, хонақоҳ ва ҳовлида чиқинди уюмлари кўп эди. Ҳукмдорнинг сўздан қайтмаслигини яхши билган аъёнлар буйруқни бажаришга

пойтахтдаги саройларнинг деворидан қимматбаҳо тошларни кўчириб олишгани етмай, Жомеъ масжид бир хонақоҳнинг олтин гумбазини ҳам ўғирлаб кетишади.

Лекин масжид хизматини ўтайверди. Ҳозир ҳам бу ерда Ислом олами табаррукотларидан Пайгамбаримизнинг (алайҳиссалом) кавшлари, тошдаги оёқ излари, мусулмон уламолар эътироф этишларича, Қуръони каримнинг Расулulloҳ (алайҳиссалом) даврларида кўчирилган суралари, у зотнинг соқол толаларидан бири (мўйи муборак), бир вақтлар қабрларида бўлган тош парчаси кабилар авайлаб сақланмоқда.

Масжиднинг шарққа қараган йўлаги орқали юз йиллар мобайнида намозхонларнинг қадами ялтиратиб юборган ўттиз беш зинадан юқорига кўтариласиз. Гумбазнинг баландлиги олтиш бир метрдан ошади. Ёндаги миноралар эса қирқ бир метрга боради. Ички хонақоҳ саҳни тўрт юз квадрат метрдан ортиқ.

Кўпчиликка маълум бўлмаган бир ажойиб далил шуки, масжид ҳар қандай табиий офат пайтида ҳам бирор гишт-тош парчаси ичкарида Аллоҳга ибодат қилаётганларнинг устига тушмайдиган қилиб лойиҳаланган экан. Бу 1817 ва 1895 йиллардаги табиий офатлар чоғида тасдиғини топди. Ўшанда Жомеъ масжидига кучли чақмоқ урилганида масжид томининг парчалари ичкарига эмас, ташқаридаги гулхоналарга сочилиб кетади.

Аббос АҲМАД



Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

Мардларнинг майдонда яроғи бўлак

Тухматчининг тилагин тарози тортмас экан,
Орият осмонининг куёши ботмас экан,
Қадрини қалқон билган пойгакда ётмас экан,
Бандаман, гоҳ-гоҳида менам надир тиладим,
Тилагимнинг сўнггида қўрқдим, сабр тиладим.

Гул истаб гулзор ичра тиконни тилаб олдим,
Нафсимнинг надоматин гоҳида куйга солдим,
Кўз нечун тўйдим демас, қандайин кўйга солдим,
Кўнглимнинг осмонига наҳот абр тиладим,
Тонгда уялдим нурдан, яна сабр тиладим.

Шайтони лаин қонда жилмаяди алдамчи,
Муҳаммад Мустафодак ким солур унга қамчи,
Жойнамозда турганда кўзёшим томчи-томчи,
Маҳмуд, ошиқ дилимга савту садр тиладим,
Умру жонга барака, Ҳақдан сабр тиладим.



Ёришган йўл сўрайман

Кувончимнинг қатида кўкарган гул истарам,
Армонимнинг ортидан йиғлаган дил истарам,
Диллар ичра бир кимса юрмаган йўл истарам,
Кўзни юмсам, кўз очган дил сўрайман, Аллоҳим,
Юрган сари ёришган йўл сўрайман, Аллоҳим.

Сен деб йўлга чиққанни йўлга ташлаб кетмайсан,
Яхшиларни янтоқдек чўлга ташлаб кетмайсан,
Сажданга сарғайганга оби Кавсар тутгайсан,
Кўнгил берсанг, кўкига тоғ бергайсан, Аллоҳим,
Жисм берсанг, жонини соғ бергайсан, Аллоҳим.

Бу дунёнинг бағрида қадам етмас жойлар кўп,
Умр бўйи оҳ урсам, нолам етмас жойлар кўп,
Ўз доғидан ўзлари ор қилувчи ойлар кўп,
Офтобинг алқанганга нур бергайсан, Аллоҳим,
Қалб тубига кул бўлмас қўр бергайсан, Аллоҳим!

Бу дунёни бозор деб келгувчи ҳам кўп экан,
Бу дунёни мозор деб ўлгувчи ҳам кўп экан,
"Ла илаҳа иллаллоҳ", дея олса хўб экан,
Беҳишти муборақдан гул тиландим, Аллоҳим,
Қабримга ҳам бир чимдим нур тиландим, Аллоҳим.

Аллоҳ бор

Кўринган гиёҳдан ифор излама,
Шабнамга термулиб ғубор излама,
Нокаслар нонидан мадор излама,
Ўзига юкуниб йиғласанг гоҳ-гоҳ,
Насибанг бергувчи Аллоҳ бор, Аллоҳ!

Тириксан, тугамас сира армонинг,
Меҳнатинг, тузингдан топган дармонинг,
Гуллаб кетмаса бас тилда ёлғонинг,
Ўзингдан ўзингни этолсанг огоҳ,
Сени қўллагувчи Аллоҳ бор, Аллоҳ!

Одамзот азалдан томошага ўч,
Йўлбарс йўлларингда ҳар кун келмас дуч,
Ҳимояга топсанг вужудингда куч,
Ўзинг ўзгаларга қазимасанг чоҳ,
Сени асрагувчи Аллоҳ бор, Аллоҳ!

Кундуз куёш, оқшомда ой арзанда,
Йўлга ярашасан юрсанг Ватанда,
Ногоҳ чақиб қолса битта газанда,
Дод солма, бор ахир бошингда паноҳ,
Шифони берувчи Аллоҳ бор, Аллоҳ!

Келибсан, аё дўст, кетишдан қўрқма,
Бобонг ўтган йўлдан ўтишдан қўрқма,
Мангу маконингга етишдан қўрқма,
Дилдан чиқса "Ла илаҳа иллаллоҳ",
Бандамсан дегувчи Аллоҳ бор, Аллоҳ!

Сабр

Бўғзимга тиқилган ул тошларни ютолмадим,
Кўзимга сизмаган ул ёшларни ютолмадим,
Миннатга дамланган ул ошларни ютолмадим,
Демангиз, мен ўзимга билиб жабр тиладим,
Тиласам гар Аллоҳдан фақат сабр тиладим.

Юргайсан

Тиканга тегинма, тилинар кўлинг,
Юрмасдан олдин кўр, ёруғми йўлинг,
Булоқдан тиниқроқ бўлса гар дилинг,
Аллоҳ асрагайдир, омон юргайсан.

Мардларнинг майдонда яроғи бўлак,
Ҳар уйнинг ўз томи, чироғи бўлак,
Чироқдан ёруғдир бир ширин тилак,
Ниятинг холисдир, шодон юргайсан.

Унутма қашани ҳаё тугмасин,
Лаззати омонат нафсинг кемасин,
Бошингга маломат тоши тегмасин,
Гар тегса, алп қаддинг камон юргайсан.

Салом бермаганлар алик кутмагай,
Хизр бармоғини ҳар ким тутмагай,
Ҳақни ўйлаганни Ҳақ унутмагай,
Фаришталар йўлдош қаён юргайсан.

Сўзингдан саховат сабоси эсар,
Кўзингда нур бўлса, тошни ҳам кесар,
Тупроқ бўлгин, Маҳмуд, эл баланд тутар,
Тўғрисўз ва ширинзабон юргайсан.

Ўзингга етсин оҳим

Қозонида кулса гар камбағалнинг ёвғони
Ёнига йўлаёлмас бу жаҳоннинг султони.
Тишларида дон олиб кетаётган она қуш
Қанотлари остига сиғдиргай кенг самони.
Камбағалнинг қувончин олиб қўйма, Худойим,
Она қуш ҳам самода яйраб учолсин доим.

Ҳикматлар хазинасин тилаб тўймайдир бу дил,
Самовот дарёсида оқиб юргувчи кўнғил.
Ўлмасдан туриб ўлган Ўзингга яқин ахир,
Унинг нафсин кўзгуси синиб кетгандир чил-чил,
Бу бандангни Ўзингдан йироқ қўйма, Худойим,
Ҳикматинг билан ерни ёритиб юрсин доим.

Еб тўймаган ҳар нокас ялаб ҳам тўймагайдир,
Дунёга гар ўт кетса товони кўймагайдир,
Шайтон шармандасига Ўзинг бас келмасанг гар,
Ер юзида кўкарган бир ниҳол қўймагайдир.
Ўзингга тавбам бу кун, Ўзингга етсин оҳим,
Бу дунёни улардан Ўзинг асра, Аллоҳим!

**Абдусалом ИБРОҲИМОВ**

* * *

Сен хор этган бандангни азиз қилолмас ҳеч ким,
Сен кимни улуғ этсанг, ожиз қилолмас ҳеч ким.

Йўл бермасанг, юролмас бир одим ҳам одамзот,
Яхши-ёмон қилмишин Сенсиз қилолмас ҳеч ким.

Осмонга не чиқса ҳам қайтиб тушар-ку албат,
Фалакда бир муаллақ юлдуз қилолмас ҳеч ким.

Сен истаган иш бўлур, қудратингга шубҳа йўқ,
Сен тун этган маконни кундуз қилолмас ҳеч ким.

Сен маликсан, Худойим, ўн саккиз минг оламга,
Сен яратган райҳонни ялпиз қилолмас ҳеч ким.

Гапир десанг, гапирса ҳеч ажаб йўқ девор ҳам,
Сен тил-забон бермасанг, бир сўз қилолмас ҳеч ким.

Сен газаб қилган қулдан эл-юрт ҳам юз ўғирмиш,
Сен дўстим деган зотни ёлғиз қилолмас ҳеч ким.

Сендан илҳом бу шеър ҳам, Абдусалом ожиз қул,
Дунёда ҳеч бир ишни Сенсиз қилолмас ҳеч ким.

Тошкент

Акрам МАЛИКОВ**Имон истайман**

Кўзим қирғоғида илтижоли ёш,
Нафсим ништарига берганча бардош,
Дилимни ёритсин деб нурли куёш,
Аллоҳим, бир метин имон истайман,
Қалбим нидосига осмон истайман.

Қуръон ёғдусидан юрак чароғон,
Ҳидоят нуридан кўнглим гулистон,
Дилим самосига нурли моҳтобон —
Аллоҳим, бир метин имон истайман,
Қалбим нидосига осмон истайман.

Эътиқод ғунчаси дилда очар лаб,
Кафтларим очилган ҳидоят тилаб,
Икки дунёда ҳам юракда матлаб:
Аллоҳим, бир метин имон истайман,
Қалбим нидосига осмон истайман...

Пискент

Тарихини билмаганнинг келажаги ҳам бўлмайди, дейишади. Айниқса, яқин-яқингача тарихни мустамлакачилар ёки ғарблик олимларнинг асарлари орқали ўрганган халқимизнинг бугун холис тадқиқотлар, ишончли манбалар, "нимкоса" сиз қарашларни ўрганишга эҳтиёжи, қизиқиши катта. Шу жиҳатни эътиборга олиб, озарбойжонлик таниқли тадқиқотчи, фалсафа фанлари номзоди Ойдин Ориф ўғли Ализоданинг "Мусулмон давлатлари тарихи" китобидан Ўрта Осиё тарихига оид бобларини ҳукмингизга ҳавола қиляпмиз.

Ойдин Ориф ўғли АЛИЗОДА

САЛЖУҚИЙЛАР ДАВЛАТИ

Ҳижрий 429–590 (милодий 1038–1194) йилларда ҳукмронлик қилган салжуқийлар давлати умавийлар ва аббосийлардан кейинги мусулмон давлатчилиги тарихида учинчи йирик салтанат ҳисобланган. Ана шу улкан турк-мусулмон салтанати ташкил этилганидан сўнг Ислом дунёсининг шарқдаги турли ҳудудларда араб-форс сулолаларининг таъсири сусая бошлади. Шундан сўнг кўп асрлар мобайнида Шарқдаги сиёсий раҳнамолик асосан турк сулолалари ихтиёрида бўлиб келди.

Салжуқийлар давлати бошқа турк ҳоқонликлари қатори Ислом тарихининг ҳал қилувчи палласида ташкил топди. Салибчилар Яқин Шарққа қараб юриш бошлашидан олдинги мураккаб вазиятда яқиндагина Исломни қабул қилган турклар ташаббусни қўлга олишга муваффақ бўлишди. Оврупа давлатлари босқинига қарши тура олган бирдан-бир куч ҳам аслида турклар эди. Илк жангларда эришган зафарларига қарамай, салибчилар мусулмон дунёси билан тўқнашувни ўз фойдаларига ҳал қилишга эриша олишмади ва бунда асосан салжуқийлар ҳамда уларнинг волийлари хизмати катта бўлди.

Салжуқийлар Византия империяси билан бўлган жангларда улкан ғалабага эришишди. Улар бир неча аср мобайнида мусулмон давлатлари билан уруш олиб борган румликларни тор-мор этибгина қолмай, уларнинг қудратини ҳам батамом синдиришди.

Бундан ташқари салжуқийлар (кейинчалик аййубийлар) фидойи суннийлар бўлгани сабабли бошқа диний-сиёсий оқимлар томонидан чеклов ва тўсиқларга учраган сунний Исломнинг мавқеини анча тиклашди. Шу туфайли Ислом дунёсида Бағдод халифаларининг обрўи яна ошди. Салжуқийларнинг расмий йўли ҳанафий мазҳабидаги сунний Ислом эди.

Салжуқийлар сулоласининг асосчиси ўғузларнинг қиниқ қабиласидан чиққан Малик ал-Фозий Салжуқ бўлган. У ўғуз саркардаси Дўқоқнинг ўғли эди. Отаси вафотидан кейин унинг ўрнини эгаллаб, кўмондон бўлди.

Салжуқ катта ҳурмат қозонган, эл суядиган киши эди. Шу сабабли у Ўрта Осиёнинг каттагина қисмида ҳукмронлик қилаётган ўғуз ёбғуси (ҳоқони) билан ихтилофга бориб қолди. Бу келишмовчиликнинг сабабларидан яна бири — бунгача Исломга кириб улгурган Салжуқнинг Кўк Тангрига сиғиниш асосидаги анъанавий турк эътиқодини рад этгани бўлди. Бу зиддиятдан кейин у Жендага (харобалари ҳозирда Сирдарё соҳилидаги Қизил Ўрда яқинида сақланиб қолган қадимий шаҳар) кўчиб ўтди ва бу шаҳарни ўзи тузган беклик пойтахтига айлантирди. Унинг обрўи шунчалик ошиб кетдики, чор атрофдан одамлар келиб қўшила бошлади. Унинг тарафдорлари Ислом динига киришди. Кўп ўтмай Салжуқ мажусий қабиладошларига қарши юриш бошлади. Ана шу урушлар асносида кўплаб ўғузлар мусулмон бўлишди.

Салжуқ узоқ умр кўрди ва тақрибан ҳижрий 380 йили бир юз етти ёки бир юз ўн беш ёшида вафот этди. Унинг ўлиmidан сўнг Жендадаги ҳокимият ўғли Микоилбекка ўтди ва у ҳам мажусий туркларга қарши урушни давом эттирди. Юришларнинг бирида у ҳам ҳалок бўлди. Ундан икки ўғил — Тўғрул Муҳаммадбек ва Довуд Чағрибек қолди. Аммо Салжуқ вафотидан кейинги салжуқийлар ёбғуси вазифасига расман унинг бошқа ўғли Исроил Арслон тайинланди. У ўғузларнинг бир қисми билан Бухоро яқинига келиб ўрнашди.

Салжуқийлар тарк этган ва "Али ёбғу" деб атала бошлаган ўғуз ёбғуси ҳам ҳижрий 393 йил-

га келиб расман Исломни қабул қилди. У сосонийлар ҳукмдори Исмоилга куёв бўлган эди. Али ёбғудан кейин ўғуз давлатига унинг ўғиллари Ҳишом ад-Давла ва Шоҳ Маликлар ҳукмдор бўлишди. Шоҳ Малик даврида Янгикент (Сирдарёнинг чап соҳилидаги кейинчалик "Ўтрор-Фороб" деб ном олган тарихий шаҳар) бошқа бир турк қабиласи — қипчоқлар томонидан босиб олинди. Улар ҳамон мажусийлигича қолиб, Кўк Тангри номли "илоҳ"ларига сифинишар эди.

Янгикентдан ажраган Шоҳ Малик Жендага қараб юрди. Бу эса салжуқийларнинг шаҳардан кетишига ва Мовароуннаҳрга бостириб киришига сабаб бўлди. Шундан кейин ўғузларнинг икки қабиласи ўртасида қонли тўқнашувлар бошланиб кетди.

Салжуқийларга яхшироқ бас келиш мақсадида Шоҳ Малик ёбғу ғазнавийлар васийлигига ўтиб олди. Ҳижрий 430 йили ғазнавий султони Масъуд Шоҳ Маликни Хоразмга ҳукмдор этиб тайинлади. Лекин у ўлкани эгаллаб олган қипчоқларни ҳайдагачина вазифасини бажаришга киришди. 434 йили салжуқлардан Микоилбекнинг ўғли Чағрибек унга қарши юриш бошлади ва Хоразмни босиб олди. Кейин Жендага кириб Шоҳ Малик ёбғунини асир олди. Шундан сўнг ўғузларнинг ёбғу унвони Малик ал-Ғозий Салжуқ авлодларига ўтди. Кейинчалик эса қипчоқлар Марказий Осиёнинг каттагина қисмини эгаллашди ва салжуқийлардан Жендани тортиб олишди.

Салжуқийлар қабиладошлари ва қипчоқлардан ташқари Марказий Осиёдаги яна икки қудратли давлат — ғазнавийлар ва қорахонийлар билан ҳам урушишга мажбур бўлишди. Бу тўқнашувларда уларни анчагина кучли ҳисобланган сомонийлар давлати қўллаб-қувватлади. Сомонийлар ҳали сулола бошлиғи ҳаётлигидаёқ салжуқийларга Бухоро яқинига келиб ўрнашишга ижозат берган ва жангари салжуқийлардан ўз чегараларини бошқа турк қабилаларидан ҳимоялашда фойдаланган эди.

Сомонийлар давлати инқирозга юз тутганидан кейин ҳижрий 390 йили унинг ҳудудини қорахонийлар ва ғазнавийлар эгаллашди, биринчиси Мовароуннаҳрни, иккинчиси эса Хуросонни босиб олди. Бу вазиятда салжуқийлар ва қорахонийлар ўртасидаги уруш кескинлашди. Қорахонийлардан Илкхоннинг юришлари бошлангач, салжуқийлардан Тўғрулбек ва Чағрибек уларнинг ҳоқони Аҳмад ҳузурига бош уриб келишга мажбур бўлишди. Лекин у ака-укага душманлик кайфиятида бўлгани учун Тўғрулбекни асир олди.

Якка қайтган Чағрибек кўшин тўплаб қорахонийлар ҳоқонига қарши юриш бошлади ва ғалаба қозониб, акасини қутқариб олди.

Бироқ салжуқийлар ёбғуси қорахонийлар ва ғазнавийлар билан келгусида урушишга умуман қодир эмас эди. Тор-мор бўлган салжуқийлар аста-секин Марказий Осиёни тарк этиб, ғарбга — Хуросон, Онадўли ва Қофқоз сари кетишга мажбур бўлишди. Салжуқийлар янги ерларга кўчиш билангина, қудратли ғанимларга қарши тинимсиз урушлардан жон асрасак, нажот топамиз, деб билишар эди. Киндик қони тушган заминдан кетиш истаги шунчалик кучли эдики, ҳатто ғазнавийлар ва қорахонийлар устидан ғалабага эришиб ҳам Марказий Осиёда қолишмади. Ўғуз турклари каттагина қисмининг ғарбга оммавий кўчиши шундан бошланди. Юз минглаб салжуқлар оилалари билан бир неча ўн йиллар мобайнида янги ерларга бориб ўрнашишди. Улардан кўпчилиги Кичик Осиё (Онадўли) ва Озарбойжонда иккинчи ватанларини топишди.

Янги кўчиб келганларни кўпинча туркман ёки турк деб аташар эди. Шу номлар уларга ўрнашиб қолди. Улар асрлар мобайнида давом этган вайронгарлик урушларида хароб бўлган шаҳар ва қишлоқларни қайта обод қилишди. Шунингдек, турк ва озар халқларининг шаклланиши ҳамда этногенезида салжуқийларнинг катта хизматлари бор.

Манбалар:

1. Айдин Али-заде. "Хроника мусульманских государств", Москва, "Умма", 2004.
2. С. ал-Хусайний. "Сообщение о селджукском государстве", Москва, 1980.
3. К. Босворт. "Мусулманские династии", Москва, 1971.
4. Y. Oztuna. "Islam devletleri", Istanbul, 1989.





"МУХТАСАРУЛ ВИҚОЯ" ҲАҚИДА

"Мухтасарул виқоя" асари ҳақидаги сўзни Бурҳониддин Марғиновичдан бош-

лашга тўғри келади. Бурҳониддин Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил (вафоти 593 ҳижрий, 1197 милодий) Фарғона музофотига қарашли Рингтонда таваллуд топган. У ўз даврининг йирик уламолари Нажмиддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий (вафоти 1142 йил), Ҳусомиддин Умар ибн Абдулазиз, Умар ибн Мазий (тахаллуси Садрушшаҳид) ва Абу Умар Усмон ибн Али ал-Байқандий (вафоти 1157 йил) қўлларида таълим олиб, дин илмларида камолга етган. Фиқҳга доир бир қанча машҳур асарларни таълиф қилган.

Бурҳониддин Марғинович "Бидаятул-мубтадий" ("Бошловчининг биринчи асоси") асарига ўн саккиз жилддан иборат шарҳ ёзиб, уни "Кифаятул-мунтаҳий" ("Охирига етганлар учун кифоя қилувчи китоб") деб атайдди. Орадан бир оз муддат ўтгач, "Кифаятул-мунтаҳий"ни қисқартириб, "Ал-Ҳидоя" асарини таълиф қилди. Бу китобга олтимишдан ортиқ шарҳ ва ҳошиялар ёзилган бўлиб, мазкур асар "Ал-Ҳидоя фи шарҳи Бидая" ("Бидоянинг шарҳи Ҳидоя") ёки "Ал-Ҳидая фил фуруъ" ("Фиқҳ шаҳобчалари ҳақида Ҳидоя") деб ҳам аталади.¹

"Ҳидоя" асарига ёзилган кўплаб шарҳлар ва қисқартмалардан бири Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Маҳбубийнинг (1300 йилларда яшаб ўтган) "Виқоятур ривая фи масоили ҳидая" ("Ҳидоя масалалари ҳақида ривоятларни асраш") китобидир. "Тоҷуш шариа" номини қозонган Маҳбубий "Ҳидоя"дан қисқартириб олган бу асарни ўз шогирди ҳамда набираси Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал-Маҳбубийга мўлжаллаб ёзган эди.

"Садруш шариа" номи билан машҳур бўлган Убайдуллоҳ ибн Масъуд бобоси тарбиясида камол топиб, фиқҳда буюк алломо сифатида танилади. У бобоси ёзган "Виқоятур-ривоя"ни араб тилида шарҳлаб, уни "Шарҳул виқоя" деб атайдди. Бу китоб энг яхши ва тўлиқ шарҳ ҳисобланади. Шундан кейин баъзи ўқувчиларнинг "Виқоятур ривоя" китобини ўзлаштириб олишга қурби етмаётганини сезиб, ундаги энг зарурий масалаларни танлаб олиб, уни "Ан-Нуқоя" ("Қисқача баён") ёки "Мухтасар виқоя" деб атайдди. Асар муқаддимасида муаллиф бундай ёзади: "Бобом Маҳмуд ибн Тоҷуш шариа фиқҳ илмини яхши ўрганишим учун "Виқоятур-ривоя фи масоил-Ҳидоя" китобини тузди. Бу китобдек сўзлари мўъжаз, мазмун аниқ ва тўла иккинчи китобни замон кўрган эмас. Мен баъзи бир толиблар ҳиммати бу китобни ўрганиб, ўзлаштиришга қодир эмаслигини сезиб, зарурий масалаларни танлаб олиб, ушбу "Мухтасар" ("Қисқартирилган китоб")ни чиқардим. Ҳар ким "Ҳидоя"да келтирилган масалаларни ўрганиб, ўз хотирасида сақламоқчи бўлса, "Виқоя" китобини (бобом таълиф этган китобни) ўрганиб олишга

урингай. Вақти оз бўлган киши мен таълиф этган бу "Мухтасар"ни ўрганишга таважжуҳ қилгай"².

"Мухтасарул виқоя" асари кўп асрлар давомида Ислом ҳуқуқини ўрганиш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилди ва ҳозир ҳам қадрини йўқотган эмас.

"Ҳидоя" ҳанафий мазҳаби фиқҳ китобларининг энг мўътабаридир. Бу манба ҳозир ҳам бутун Ислом оламида дарслик сифатида ўқитилади, ёд олинади. Лекин унинг қисқа ва мўъжаз ибораларини ҳар ким ҳам тўла англаб етиши қийин. Мисол учун: таҳорат китобида муаллиф ҳайвон териларни поклаш ҳақида сўзлаб, *و مالا فلا* иборасини келтиради. Бунинг маъноси «оплаш билан пок бўлмай-диган ҳайвон териси шариятга мувофиқ сўйиш билан ҳам пок бўлмайди» демакдир. Шу боис фақиҳлар араб, турк ва форс тилларида "Мухтасарул виқоя"га кўп шарҳ ва ҳошиялар битиришган. Масалан, XVII асрда Шамсиддин Аҳмад ибн Ҳамза турк тилида бу китобга ҳошия ёзган. Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Кирмоний матнини турк тилида назм қилган, шунингдек, қози Юсуф ибн Давлат мазкур ҳошияни туркча назм этган. Самарқандлик олим Жалолиддин Маҳмуд ибн Абу Бакр Самарқандий Гўрмирый бу асарни форс тилига таржима ва шарҳ қилиб, унда Мавлоно Фаҳриддин Илès ёзган шарҳдан фойдаланган.

"Мухтасарул виқоя" асарига тошкентлик фиқҳ олими Мақсудхўжа ибн Мансурхўжа томонидан ёзилган икки жузлик ўзбекча шарҳ "Мажмауъл мақсуд" деб аталади. Бу шарҳ форсий ва баъзи бир араб тилида ёзилган шарҳларга нисбатан каттароқ ҳажмга эга.³

"Мухтасарул виқоя"нинг арабча матни форсча таржимаси билан 1901 йилда Тошкентда О.Порцов литография босмаҳонасида чоп этилади. Китоб домла Шамсий Охунд ибн Ниёз Муҳаммад томонидан Эшон Тиллахўжа илтимосига биноан таржима қилинган эди.

"Виқоя"га Али ал-Қорийининг арабча шарҳи 1901 йил Олимжон ибн Муҳаммадjon ал-Борудий томонидан Қозон университети матбаасида нашр қилинган.

Улуғ аждодларимиздан қолган бебаҳо мерос "Мухтасарул виқоя" Ислом оламида машҳур бўлди, қайта-қайта нашр қилиниб,⁴ шарҳлар ёзилди. Бугун ва келажак учун ҳам унинг манфаати шубҳасиздир.

Нуриддин МУҲАММАДЖОН,

Тошкент Ислом Университети магистранти

¹Жузжоний А. «Марғинович ва унинг издошлари», Т. «Тошкент Ислом университети», 2002, 7-бет.

²Абдулҳасанот Муҳаммад Абдулхай ал-Лакнавий. «Фавоидул баҳийя фий тароҷим ал-Ҳанафийя», Қозон, «Матбаатул хизона». 1903, 57-бет.

³Мақсудхўжа ибн Мансурхўжа. «Мажмаул-мақсуд», «Адолат», 1-жилд, 1996, 627-бет.

⁴«Мухтасар», Т., «Чўлпон», 1991.



Тут меваси халқ табобатида қонни тозаловчи ва уни кўпайтирувчи, иситма туширувчи, дармон бағишловчи, сийдик ҳайдовчи, ичакни мустаҳкамловчи, юрак ишини яхшиловчи восита сифатида қўлланилади.

Куритилган балх ва оқ марварид тутдан тайёрланган мураббо, шинни, сирка ва талқон тўйимли, шифобахш бўлади. Тут танда соғлом қонни кўпайтиради. Қуруқ мияга рутубатхўллик бағишлайди, бадандаги тиқилмаларни очади, жигар ва талоқ ҳолсизликларини бартараф этади, буйрак чарвасини кучли қилади, пешобни юргизиб, ични юмшатади, теридаги сувли тошма ва қизил тошмаларни кетказади. У камқон беморларга жуда фойдали.

Шотут эса чанқоқ босувчи, қувват бағишловчи, иштаҳа очувчидир. Ибн Сино шотут баргининг шираси билан томоқ, оғиз ва тиш касалликларини даволаган. Халқ табобатида шотут меваси чилонжийдага қўшиб

ТУТ, ШОТУТ

қайнатилиб, дифтерия, скарлатина хасталикларига қўлланилган. Шотут меваси ичкетар ва бош оғриғида ҳам тавсия қилинган. Пишган шотут бадандаги қотган моддаларни юмшатади, қон босимини пасайтиради, сафро хилтини титиб, тарқатиб юборади, ҳалқумдаги иссиқ мизожли шишларни қайтаради. Шотут сувига ғарғара қилинса, чайилса, оғиз бўшлиғидаги яралар, оғиз қизиши ва тошмалари, ҳалқум ва тил шишлари тuzалади.

Фойдали маслаҳатлар:

1. Бир ошқошиқ майдаланган тут баргининг 250 мл. қайноқ сувда икки соат дамлаб қўйилади ва сузилади. Дамладан кунига тўрт маҳал 50 млдан ичилса, иситмани туширади.

2. Тут елими билан чайилса, тиш оғриғи босилади ва суртилса, шишлар қайтади.

3. Суртма дори тайёрлаш учун майдаланган тут пўстлогини 1:5 нисбатда ўсимлик мойида ўн кун сақлаб, сузиб олинади. Ажратма мойидан яраланган ва латеган ерларни даволашда қўлланилади.

4. 35 гр. тут томири ёки бар-

гини 400 гр. сувда 10-15 дақиқа паст оловда қайнатиб, ўша сувни кун бўйи бўлиб-бўлиб ичилса, қорин ва ичакдаги куртларни ҳайдайди.

5. Икки ошқошиқ майдаланган оқ тут мевасини 250 мл. қайноқ сувда тўрт соат дамланади ва сузилади. Дамладан кунига тўрт маҳал 50 млдан овқатдан олдин илиқ ҳолда ичилса, терлатади, шамоллашда, бронхитда ёрдам беради.

6. Шотут барги дамламаси, меваси ва мевасининг шираси қон босимини туширади.

7. Шотут меваси ейилса, ичаклар яллиғланиши, иссиқ ва қонли ич кетишларга шифо бўлади.

Эслатмалар:

1. Қанд-диабет ва қон босими юқори бўлган беморларга ширин тутни кўп истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

2. Янги тут мевасини истеъмол қилиб, устидан совуқ сув ичиш мумкин эмас.

3. Ширин тут мевасини меъридан ортиқча ейиш ошқозонга салбий таъсир этишини унутманг.

4. Шотут мевасини меъёрсиз ейиш асаб, ўпка ва бошқа кўкрак ости аъзолари учун зарарлидир.

Сафар МУҲАММАД



ОЁҚ КЎП ТЕРЛАСА...

Агар оёғингиз кўп терлаб, исланадиган бўлса, уни кирсовун билан оқар сувда ювиб туриш фойдалидир. Оёқ терлаши, исланишининг олдини олишда анчадан бери кийилмай турган пойфазални тозалаш жуда муҳим. Бунинг учун янги мавсумда кийиш олдидан момиқ пахта 40 фоизли тиббиёт сиркасида намлаб, оёқ кийим ичи яхшилаб артилади. Сўнгра елим

халтачага солиниб, оғзи маҳкамланиб, 12 соат "димланади". Шунда кийилмай турганида



ўтириб қолган касаллик қўзғовчи барча микроблар ўлади.

Шунингдек, ёз ойларида оёқ қичиши, баданга донача, тошма чиқиб, кишини беҳузур қилиши кўпаяди. Оёқдаги қичималар (грибок), теридаги бошқа тошмаларни уч фоизли йод суриб кетказиш мумкин. Россия ва Озарбойжонда ишлаб чиқарилган "Паста Темурова" малҳами сурилса ҳам, тери тез шифо топади. Чунки бу малҳамнинг таркибида ялпиз бор.

Санжар ИСАҲОЖИЕВ

Иҳоб АБДУЛВОҲИД

СОЛИҲ ФАРЗАНД

Бебош, бекорчи бир инсон эдим. Нафсим хоҳиши, роҳатим ва ўзимга ўхшаган улфатларимдан бошқа ҳеч нарса мени қизиқтирмасди. Одамларнинг устидан қулишни, мазах қилишни яхши кўрадим. Бу одатларни Аллоҳ менга биринчи фарзандимни ато этган кунгача қўймадим. Ўша куни ҳам дўстларим билан кўчада эдим. Дайдиб юрибмиз. Тўсатдан кўзим кўчада пайпасланиб келаётган кўр кишига тушиб қолди. Бир оёғи калта эканми, чўлоқланиб қадам ташларди. Дўстларимга: "Ҳозир мен шундай иш қиламан, қотиб куласизлар", дедим-да, оёғимни кўр кишининг йўлига қўйиб турдим. У оёғимга қоқилиб, йиқилиб тушди. Роса кулдик. Ерда йиқилиб ётган ҳалиги кўр, чўлоқ кишини ҳар эслаганимизда кулгидан ўзимизни тўхтатолмасдик.

Одатдагидек, уйга тонгга яқин қайтдим. Аёлимни қаттиқ тўлғоқ тутаётган экан. Ҳомиладорлигининг охириг оёғи эди. Тезлик билан туғуруқхонага олиб бордим. Озгина вақт ўтар ўтмай хабар чиқди: ўғил фарзанд туғилганини, аммо уни кўришдан аввал дўхтирга учрашим зарурлигини айтишди.

Не кулоқ билан эшитай, не кўз билан кўрайки, бола... кўр ва чўлоқ экан. Шу заҳоти кечагина оёғидан чалиб йиқитганим кўр ва чўлоқ кишининг сурати кўз олдимга келди. Ўзимга ўзим: "Бу ҳол ўша учун", дедим. Боладан воз кечмадим, аммо унга муҳаббат ҳам қўймадим, аниқроғи, уни яхши кўрмасдим. Онаси унга "Солим" деб исм қўйди. Кетидан Аллоҳ биз-

га яна икки гўзал фарзанд Холид ва Умарни ато этди.

Йиллар ўтди, аммо мен ҳамон ўша-ўша бетавфиқлигимча юрар эдим. Аёлим бу қилмишларимга сабр этарди, ёмон улфатлардан узоқ бўлишимни кўп насиҳат қилиб, доимо ҳидоят сўраб ҳаққимга дуо-илтижолар қилар эди.

Аёлим Аллоҳнинг унга тақдир қилиб берган ёмон эр ҳамда кўр ва чўлоқ ўғилга рози мўмина аёл эди. Ниҳоят мен зулматдан нурга чиққан кун келди. Ўша куни жума бўлиб, Солим ўн ёшга тўлган эди. Соат ўн бирларда уйғониб, одатдагидек, дўстларимнинг олдида кетиш учун ҳозирлана бошладим. Ташқаридан йиғи товуши қулоғимга чалинди. Хонамдан чиқиб қарасам, Солим кўча эшик олдида туриб, юракни эзадиган даражада йиғлаётган экан. "Эй Солим, нега йиғлаяпсан?" деб сўрадим. Овозимни эшитиб, йиғидан тўхтади ва йўлни пайпаслаб хонасига кириб кетди. Биламан, у мени яхши кўрмайди. Ўзиям туғилганидан бери уни эркаламаганман, ўйнатмаганман, ҳатто гаплашмаганман ҳам. Лекин у йиғлар эди. Нима учун йиғлаётганини билгим келди ва хонасига кириб: "Сенга нима бўлди, эй Солим? Ёрдам керакми?" дедим. У таралдуланиб: "Укам Холидни тополмаяпман", деди. "Онаниг бирон юмуш билан дўконга чиқаргандир", дедим. Солим: "Лекин кеч қоляпти-да", деди. Мен: "Ўзи у нимага керак бўлиб қолди сенга?" деб сўраган эдим, Солим: "Жума намозининг вақти яқинлашиб қолди, биринчи сафга ўтиришим учун мени масжидга эрта-

роқ олиб боришга ваъда берувди", деди. Шунда ўзимга айтдим: "Биринчи сафга интиляпти, мен бўлсам... Аллоҳга қасамки, уни ёрдамсиз ташлаб кетмайман!".

"Бу жума масжидга сени ким олиб боради, биласанми?" дедим унга. У: "Ҳа, Холид олиб боради, лекин уни тополмаяпман", деди. Мен унга: "Йўқ, эй Солим! Бу гал сен билан бирга мен бораман", дедим. У: "Мени масхара қилман! Ахир, сиз..." деди-да, яна йиғлай бошлади. Мен унга: "Эй Солим, мен чин айтяпман. Ҳозир таҳорат қилиб олай, масжидга бирга борамиз", дедим.

Таҳоратни амаллаб қилдим, сўнгра Солимнинг кўлидан ушлаб, ота-бола иккаламиз масжидга йўл олдик.

Етиб борганимизда ичкарию ташқари намозхонлар билан тўлиб бўлган экан. Лекин, субҳаналлоҳ, Солимга биринчи сафдан жой топилди. Уни ўша ерга ўтказиб, ўзим ундан орқа сафдан ўрин эгалладим. Намоз бошланди, мен эсам, тафаккур уммонига чўмган эдим...

Ҳолимга йиғлай бошладим. Энди ўзгариб, ўзимни тузатишни қатъий ният қилдим.

Намоз тугагач, Солимнинг олдида бориб: "Кетдик энди, уйга қайтамиз", дедим. У: "Аввал Каҳф сурасини ўқиб олай, илтимос, Қуръон олиб беринг", деди. Унинг бу сўзидан ажабландим, лекин қалбини жароҳатлаб қўймай деб индамай унга Қуръон олиб келиб узатдим. "Каҳф сурасини очиб беринг", деди. Қуръонни очиб, Каҳф сурасини топиб, унга узатдим. Аммо қандай ўқир экан, ахир



Менинг ҳидоятимни сўраб қилган дуоларини Аллоҳ таоло ижобат қилганини англаб, ҳамду санолар айтди.

Шу кундан бошлаб ёмон улфатлардан воз кечиб, масжидда янги дўстлар билан танишдим.

Шу зайлда орадан икки йил ўтди. Кунларнинг бирида янги дўстларим билан бирга сафар уюштириб, уч ойча муддат уйда бўлмадим. Аммо шу уч ой ичида уйдагилар билан сим орқали боғланиб турдим. Уларнинг ҳар бирлари билан гаплашиш

у кўр-ку, деган савол мени ажаблантирар эди. Солим Қуръонни қўлига олиб ўқий бошлади. Вожаб, у Каҳф сурасини ёдлаб олган экан. Ўзим ҳам завқланиб кетдим. Қўлимга бошқа бир Қуръонни олиб, очиб ўқишга тутиндим. Охирги марта қачон Қуръон ўқиганимни ҳам эслай олмайман. Ичимдан йиги бостириб келди. Кўзларимдан дув-дув оқаётган кўзёшларни тўхтатишга қодир эмасдим. Шу пайт жажжигина иссиқ бир қўл кўзёшларимни оҳиста артаётганини сездим.

Кўзимни очиб қарасам... Солим. Мен йиғлаётганимга у ҳам йиғлаб, кичик қўллари билан юзимни силаётган эди. Шунда ҳаётимда биринчи бор уни бағримга босдим. Ҳаётимда биринчи бор фарзанд муҳаббатини ҳис қилдим.

Солим билан уйга қайтганимда, ўзимни гўё бошқа инсондек сездим. Аёлим ҳам Солим билан бирга жумага борганимни билиб ҳайратда қолди.

имкони бўлди-ку, лекин Солим билан гаплашиш ҳеч насиб қилавермади. Ҳар сафар қўнғироқ қилганимда ё мадрасада, ё масжидда эди, дейишарди. Ҳаммаларини, хоссатан, Солимни жуда ҳам соғинганимни, уни кўришга муштоқ эканимни айтиб, аёлимга Солимга салом деб кўй десам, кулиб, иншааллоҳ, деб кўярди. Қўнғироқларимнинг бирида бир ҳафтадан кейин уйга қайтишимнинг хабарини бериб, одатдагидек, саломимни Солимга етказиб кўйгин, дедим. Аёлим жим туриб қолди, сўнг хорғин овозда, иншааллоҳ, деди.

Уйга қайтаётганимда, қанийди эшикни тақиллатганимда Солим очсаю уни бағримга боссам, деб орзу қилиб келдим. Лекин эшикни аёлим очди. Келганимни эшитиб, Холид билан Умар югуриб келиб кўришишди. Негадир Солим кўринмасди. "Солим қани?" деб сўрасам, нндашмади. Иккинчи бор: "Солим қаерда?" деган эдим, аёлим билан Холид ерга қарадилар,

кичик ўғлим Умар: "Дадажон! Билмайсизми, Солим акам Аллоҳнинг ҳузурига, жаннатга кетдилар", деди.

Мени чақмоқ ургандек бўлди. Солимдан айрилиб қолганимга ўзимни тўхтатолмай йиғлардим. Қандай ҳам йиғламай, ахир мен уни яхши кўрардим. Қандай ҳам яхши кўрмай, чунки уни Аллоҳ менинг ҳидоятимга сабабчи қилган эди. Ёшлик чоғида ундан узоқликда ўтказган вақтларимга надоматлар чекдим. Болалик эркалалардан уни маҳрум қилганимга минг афсус чекиб, маҳзун бўлдим.

Гўдаклигида мен уни яхши кўрмас эдим, чунки у кўр эди. Лекин энди мен шуни аниқ биламанки, у кўр эмас, ҳақиқий кўр мен бўлган эканман. Зеро, кўзлар кўр бўлмас, балки кўкраклардаги қалблар кўр бўлур.

Яна уни чўлоқ бўлгани учун ҳам яхши кўрмас эдим. Лекин энди мен шуни аниқ биламанки, аслида чўлоқ мен бўлган эканман. Унинг оёғининг чўлоқлиги ҳақ йўлда юришга тўсиқ бўлолмаган эди, аммо мен соғлом бўлатуриб, шайтоннинг йўлида юрган эканман.

Аллоҳга қасам, энди мен уни яхши кўраман, уни асло унутмайман. Ўла-ўлгунимча, уни унутмайман, ҳаққига дуо қиламан ва яхши кўравераман. Қандай ҳам уни яхши кўрмайин?! Ахир Аллоҳ менинг ҳидоятимга уни сабабчи қилди.

Парвардигоро, ўғлим Солимни мағфират қил. Унга раҳматингни ёғдир ва кенг жаннатингдан жой бер, эй оламларнинг Рабби! Омийн!

"Фақултустағфиру"
китобидан

Камолитдин
ИНОЯТУЛЛОҲ ўғли
таржимаси

АСАЛАРИ БОҚИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

Учинчи машғулот



Янги оила ҳосил қилиш

Янги оила бир кучли оилани икки қисмга ажратиш йўли билан ҳосил қилинади. Асаларилар миқдори кўпайиб борган сари оилани бўлишга эҳтиёж кучаяверади. Табиий ҳолда бўлинишига йўл қўйиш оила учун ҳалокатлидир. Бундай ҳол ҳосилдорликни кескин пасайтириб юборади. Арибоқар етилган оилани қанча эрта иккига бўлиб олса, янгиси шунча тез кучли оилага айланади ва кўп асал тўплайди.

Қутидаги чорчўплардан 7-9 тасига тухум қўйилган бўлса, бу оила бўлишга муносиб ҳисобланади. Бўлиш учун тухумли уячалари пардаланган 2-3 та чорчўпни арилари билан олиб, бошқа бир бўш қутига қўясиз. Она ари ҳам янги қутига ўтиб кетмаслиги учун дастлаб уни излаб топшиш, яъни, эски (асос) оилада қолдириш керак бўлади.

Шундан сўнг янги қутига асали ва гул чанги бор бўлган иккита чорчўп ўтказилади. Арили чорчўпни олиб, силташ йўли билан уларни янги оилага қўшилади. Бу чорчўплар яна эски

(асос) оиладаги ўз жойига қўйилади.

Оилани бўлиш ишларини кундузи, айниқса, туш пайти ёки пешин вақти чиқмай туриб қилиш мақсадга мувофиқ. Чунки бу пайтларда ишчи арилар кўпи далада бўлиб, уяда асосан ҳали учиш, бол йиғишга ўрганмаган арилар қолган бўлади. Бу ёш арилар янги оилага тез кўникиб кетишади ва янги она арини ҳам яхши қабул этишади. Ўша куни кечга яқин янги оилага она ари ёки тезда очиб чиқадиган катта ғумбаги бор чорчўп қўшилади.

Ариуяларни

бошқа жойга кўчириш

Юртимизнинг тоғли туманларида май ойидан ҳаволар исиб, доривор гиёҳлар қийғос гуллайди. Шу боис ариуяларни тоғ бағрига олиб чиқиш шифобахш асал тўпланишида муҳим омилдир. Арилар асал олиб келиш учун қанча узоққа учиб боришса, шунча кўп қувват сарфлашади. Бу қувват албатта ари истеъмол этадиган асал ҳисобидандир. Битта оила бир чақирим узоқликдаги гуллардан асал келтириш учун бир кунда тахминан 200 гр. асал сарф қилади. Шу боис ариуялар ҳосилдор гул-гиёҳларга қанча яқин жойлаштирилса, шунча яхши.

Ариуяларни махсус

уловга ортишдан олдин ҳар бир оиладаги икки энг четки чорчўп қутига михлаб чиқилади. Шундай қилинса ортиш, ташшиш, тушириш жараёнида чорчўплар силжиб кетмайди, арилар безовта бўлмайди. Сўнгра қутиларнинг арилар кириб-чиқадиган тешикчалари пахта билан маҳкам беркитилади. Бу тадбирни эса шом намози ўқилганидан сўнг бажарган яхши. Чунки бу пайтда барча арилар уяга қайтиб келган бўлади. Қутилар машинага юклангач, тунда йўл юриб, энг кечи билан тонг отгунича манзилга етиб бориш лозим. Йўлга чиқиш олдидан бир елим халтачага ҳамирдай юмшоқ лой ғамлаб олинг. Мабодо бирор сабаб билан қутининг тирқишидан арилар учиб чиқадиган бўлса, лой билан беркитасиз. Етиб келгач, ариуялар эҳтиёткорлик билан ерга туширилиб, мўлжалланган ҳудудга қатор-қатор қилиб, тартиб билан ўрнаштирилади. Сўнгра қутиларнинг тешикчаларига тиқилган пахталарни дарҳол олиб ташлаш керак.

Жаҳонгир ҚҶЧҚОРОВ

